

А. А. АБДУАЗИЗОВ, Д. У. ДЎСТБОБОВА,  
У. Х. РАҲМОНБЕРДИЕВА, М. А. АСҚАРОВА,  
Н. М. ҚАМБАРОВ

# ИНГЛИЗ ТИЛИ АМАЛИЙ ФОНЕТИҚАСИ

*Ўзбекистон Олий ва махсус таълим  
вазирлиги Жаҳон тиллари универ-  
ситети ва педагогика институтлари  
инглиз тили факультет (бўлим)  
лари учун дарслик сифатида тас-  
диқлаган.*



## СЎЗ БОШИ

Хукуматимизнинг «Олий ва ўрта махсус таълимини қайта қуриш» ҳақидаги қарориди барча фанларни чуқур ўрганиш бора-сида чет тилларни ҳам яхши ўзлаштириб олиш, таълим ва тарбия сифатини ошириш масалаларига катта эътибор берилган. Ана шуни ҳисобга олиб, янги дарслик ва ўқув қўлланмалари тузиш талаб қилинади.

Қўлингиздаги китобда инглиз тили амалий фонетикаси курсига доир материаллар берилди. Амалий фонетика нутқ фаолиятининг барча томонлари — гапириш, эшитиш, ёзиш, ўқиш ва талаффуз қилиш билан ҳамда грамматика, лексика ва стилистика билан боғлиқ кетади. Шу сабабли чет тилни ўрганиш аввало ундаги товушлар, бўғин, урғу ва интонация турларини яхши ўзлаштириб олишдан бошланади.

Китобда назарий билан амалиётнинг боғлиқлиги ҳисобга олинди, инглиз ва ўзбек тили фонетикасига доир баъзи коида, тартиблар назарий жиҳатдан қулай ва осон ҳолда изоҳланди. У қиёсий фонетиканинг бошланғич босқичи вазифасини ҳам бажара олади, чунки инглиз тилидаги маълум товушнинг талаффузи ўзбек тилидаги бирор товуш билан қиёсланди ва улардаги талаффуз фарқларига алоҳида эътибор берилди. Инглиз тилидаги бир товушни ўзбек тилидаги товуш билан қиёслашда, уларнинг артикуляцияси, эшитилиши ва маънони ўзгартириб юбориш (фонологик) аломатлари ўртасидаги фарқланишлар ва баъзи ўхшашлик томонларини аниқлаш мумкин. Бўғин ажратишда, сўзларда урғунинг ўрни ва даражасини билишда, турли гапларнинг интонациясида ҳам кўпгина фарқлар бор. Шу сабабли, икки тилдаги унли ва ундош фонемалар ўртасидаги фарқланишлар фонематик интерференцияни, бўғин, урғу ва интонациянинг тўғри келмаслик ҳолатлари просодик интерференцияни вужудга келтириши мумкин.

Методик жиҳатдан бу икки турдаги интерференция ўқитувчидан зарур принцип ва услублардан фойдаланишни талаб қилади. Бу қиёслаш принципи ва карама-қарши қўйиш услуги орқали икки тилнинг талаффузидаги фарқларни онгли равишда ўзлаштириб олинishi мумкин. Кейинги даврларда чет тил талаффузига ўргатишда сўз ва текстларни фонетик таҳлил этиш, яъни уларнинг тўғри транскрипцияси ва тонограммасини чизиш ва эшитиш қобилиятини ўстириш учун техник воситалардан кенг фойдаланилмокда.

Ҳозирги ўқув программасига биноан 1—2—3-курсларда

амалий фонетикадан машғулотлар учун 230 соат ажратилган. Талаффузга ўргатишни, умуман, тилга ўргатиш борасида уч босқичга: бошланғич, ўрта ва юқори босқичга бўлиш мумкин. Бошланғич босқичда талабаларга энг содда, ўзлаштириш учун осон бўлган асосий тушунчалар, жумладан, бирор товушнинг талаффузида нутк органларининг хизмати, инглиз тилидаги товушнинг ўзбек тилидаги товушдан фарқи изоҳланади ва уларни онгли ўзлаштириб олишга доир машқлар берилади. Инглиз тилида бир-бирига анча яқин бўлган чўзик ва қисқа унли товушлар мавжудлиги сабабли бу масалага алоҳида эътибор бериш, унлиларнинг чўзиклиги турли ҳолатларда ўзгарувчан эканлигини ҳисобга олиш зарур. Бошланғич босқичда асосий мақсад талабаларнинг она тили талаффузига ўрганиб қолган психологик кўникмаларини чет тил томон йўналтириш ва унда тўғри талаффуз қилиш пойдеворини яратишга қаратилган. Бу босқич 1- курсни ўз ичига олади ва қисман 2- курсда ҳам давом этади. Ўрта босқич (2 курсда) талабаларда шаклланган инглиз тили талаффузига доир билимларни янада чуқурлатиш ва талаффузни одатий тусга киритишни ўз ичига олади. Бунда кўпроқ урғу ва интонацияни ўрганишга эътибор берилади ва транскрипция ҳамда тонограмма чизишга, техник воситалар билан ишлашга ўргатилади.

Юқори босқич (3- курс) талаффуздаги турли услублар, бево-сита ва ҳис-ҳаяжонни ифодаловчи хусусиятлар, фоностилистикадаги асосий аломатларни ўрганиб олишни қамраб олади.

Кейинги ҳар икки босқич 2—3- курслар давомида чуқурлашиб боради ва умуман, талаффузга ўргатишга доир масалаларни онгли ўзлаштириб олишга қаратилади. Талаффузга ўргатишнинг асосий принциплари тушунчаларнинг содда ва тушунарлилиги, илмийлиги, онгли ўзлаштириб олишга қаратилгани, она тилидаги хусусиятларга қиёсланиши билан ажралиб туради. Ундан ташқари, билимнинг системали ва умумлаштира тарзда бўлишига, билиб олинган аломатни амалда бажаришга ва унда кўникма ҳосил қилишга интилиш, кўргазмали қуроллар ва техник воситалардан кенг фойдаланишга асосланган бўлиши зарур.

Талаффуз чет тилидаги бирор хусусиятни нутк жараёнида уни тўғри айта билиш билан чегараланмайди. У ёзиш, ўқиш, тафаккур этиш кўникмаларини ҳам ривожлантиришда ёрдам беради.

Ўзбек тилининг интонацияси чуқур ва кенг ўрганилмагани барча ўринларда ундаги хусусиятларни инглиз тили билан қиёслашда қийинчилик тугдиради. Ана шуни ҳисобга олиб, биз кўп йиллик тажрибамиз асосида баъзи инглизча терминларни ўзбекча берилишида ва бу тушунчаларни интонацияда қўллаганда осонроқ ва тўғри келувчи томонларини ҳисобга олдик. Фоностилистикадан маълумотлар эса, биринчи марта тақдим қилинмоқда. Интонациядаги турли ҳис-ҳаяжонни ифодаловчи хусусиятларни фоностилистика ўрганади. Ҳозирги илмий тадқиқотларни ҳисобга олиб, китобда фонетика, фонология ва фоностилистикага доир хусусиятлар ва уларга оид машқ ва текстлар берилди. Товушларнинг талаффузи ва эшитилиши — фонетикада, бир-бирига қара-

ма-қарши қўйилиб маънони ажратиш жиҳати фонологияда (pɑ:t — pæ:t каби), оддий интонация билан ҳис-ҳаяжонни ифода-лаш томони — фоностилистикада ўрганилади. Бу фарқланиш-ларни қарама-қарши қўйишга асосланган машқлар ёрдамида онгли ўзлаштиришга эришиш мумкин. Масалан: (pɒt — pɔ:t), (bet — let — set — get — met), 'present хозир бўлмок — pre'sent совға, a name [a 'neɪm] ном — an aim [an 'eɪm] мақсад, oh, how nice of you (нутқда бу гап турли оҳанг билан талаффуз этилади).

Интонацияни ўргатишда аввалига оддий хабар берувчи жум-лалардан бошлаб, кейинча бир оз мураккаблашиб борувчи тур-ларига ўтиш лозим. Аниқ ва тўғри талаффуз текстни ифодали ўқиш ва унинг мазмунини эшитувчига чуқур етказиб беришда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Инглиз тилининг талаффузи анча мураккаб бўлиб, ундаги баъзи хусусиятлар (масалан, дифтонглар) ўзбек тилида йўқ. Инглиз талаффузига ўргатишда ҳарф ва ҳарф бирикмаларидан бўғинларга, бўғинларнинг уланишидан сўзларга, сўз бирикмала-ридан гапларга услубида йўл тутиш анча қулай ҳисобланади. Мазкур китобда ҳам ана шу анъанавий услубга риоя қилинди.

Китоб икки қисмдан иборат. Унинг биринчи қисмида унли ва ундош товушларнинг артикуляцияси, турли ҳолатларда ва товуш бирикмаларида уларнинг талаффузида рўй берувчи ўзгаришлар ҳамда сўзларни тўғри бўғинга ажратиш, урғусини аниқ кўрсатиш ва содда гаплардаги интонация турлари изоҳланди. Иккинчи қисм — мураккаб ҳодиса бўлган интонациянинг турли компонент-лари (оҳанг, жумлавий урғуси, суръат, сифат, ритм) нутқда қандай шаклларда мавжуд бўлишини тушунтириш ва унга доир мисолларга бағишланди.

Студент ва ўрганувчиларнинг мустақил ишлашлари учун китоб охирида турли гаплар, текстлар, мақоллар ва шеърлар илова қилинди. Уларни ўқиб мустақил машқ қилиш инглизча талаффуз-ни яхшилашга хизмат қилади. Барча материал инглиз адабий тилининг Жанубий Британия (Англия) талаффуз варианты мисолида берилди. Чунки кўпроқ китоб ва луғатлар ана шу адабий талаффуз вариантыга асосланган.

Китоб инглиз тили талаффузига ўргатиш бўйича кўп йиллик тажрибанинг маҳсулидир. Уни тайёрлашда ёрдам берган ва ўз фикри билан кўмаклашган ҳамкасбларга муаллифлар миннатдор-чилик билдирадilar.

*Муаллифлар.*

## КИРИШ

Бирор чет тилда сўзлашишни ўргатишдаги асосий муаммолардан бири мана шу ўрганилаётган тил талаффузининг ўзига хос хусусиятларидир. Тадқиқотчиларнинг аниқлашларича, бирор чет тилни яхши ўзлаштириш учун шу тилнинг фонетик ва фонологик хусусиятларини 100 фоиз, грамматик хусусиятларини 50—90 фоиз билиш зарур экан.

**Фонетика** атамаси қадимий грек «*phone*» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «товушлар тўғрисидаги фан» деган маънони англатади. Ҳозирги кунда бу атама англатадиган маъно доираси жуда кенг. У ҳозирги кунда товушлардан ташқари, яна бўғин, урғу ва интонацияни ўз ичига олади. Биз қуйида, сўз бошида айтиб ўтилганидек, ўрганаётган тилимизнинг **амалий фонетикаси** ҳақида сўз юритамиз.

Амалий фонетиканинг, шу жумладан инглиз тили амалий фонетикасининг ҳам ўз талаблари бор. Бу талабларга кўра чет тилни ўрганувчи:

1. Ўз нутқ органларининг ҳаракатини бошқара билиши;
2. Шу тил товушларини фақат алоҳида берилган сўзларда эмас, балки гаплар ичида ҳам фонетик коидаларга биноан талаффуз эта билиши;
3. Шу тил сўз ва гапларини талаб қилинадиган тезликда, тўғри урғу, оҳанг, ритм ҳамда овоз сифати билан талаффуз эта билиши;
4. Фонетика ва фонологиядан маълум назарий билимга эга бўлиши керак. Бунинг учун у фонетик атамалар мазмунини фарқлай билиши;
5. Талаффуз (товуш, бўғин, урғу, оҳанг)да содир бўлиши мумкин бўлган хатоларнинг олдини олиш ҳамда уларни тўғрилаш йўллари билиши керак ва шу қабилар.

Фонетика одатда оғзаки нутқни ўрганади, бироқ у ёзма нутқ билан ҳам боғланади. Инглиз талаффузи ва ёзуви ўртасида жуда катта тафовутлар мавжуд. Шу сабабли, қуйида инглиз ҳарфларининг ёзилиш хусусиятларини тушунтириб ўтамиз.

## ИНГЛИЗ ҲАРФЛАРИНИНГ ЁЗИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Инглиз ёзуви ўзбек ёзувидан ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Инглиз тилидаги ҳарфлар уч хил катта-кичикликда ёзилади. Тўғри ёзув қоидасини ўзлаштириш учун аввал

харфларни тўрт чизик орасида ёзишни ўрганиш керак. Биринчи хил катта-кичикликда ёзиладиган харфлар белбоғсиз, ҳалқасиз харфлар бўлиб, икки чизик орасига ёзилади. Масалан:

anm

Иккинчи хил катта-кичикликда харфлар белбоғ бўлиб, харфнинг асосий қисми биринчи икки чизик орасига ёзилади, бўйи эса, учинчи чизикка бориб тақалади: Масалан:

td

Учинчи хил харфларда ҳалқа бўлиб, бўйи тўртинчи чизикка бориб тақалади, асосий қисми биринчи икки чизик орасига ёзилади. Масалан:

llh

Бош харфлар учинчи хил катта-кичикликда ёзилади. Инглиз ёзуви қондасига кўра инглизча харфлар қўлни узмасдан ёзилади. Харф устига нукта ёки унга белбоғ қўйиладиган бўлса, аввал сўзни охиригача ёзиб, сўнг белгилари қўйилади.

Инглиз харфлари эркин ҳолда ручкани босмай, ўнг томонига бир оз қиялатиб ёзилади. Ёзилиш билан ўқилиши бир-биридан катта фарқ қилувчи инглиз тилини ўрганишда тўғри ёзиш ва ўқиш алоҳида ўринни эгаллайди.

Инглиз тилидаги бирор сўзни қайси харфлар билан қандай ҳолатда ёзиш кераклигини алфавит ёки графика қоидаларини ўрганмасдан туриб тўғри ёзиб бўлмайди. Алфавит ёки графика қондаси ўқилиш қондаси билан узвий боғлиқдир. Кўпчилик инглиз сўзларида товуш ва харфлар сони ҳамма вақт тўғри келавермайди, чунки бирор конкрет товуш ёзувда бир эмас, балки бир неча харф ва харф бирикмалари орқали берилиши мумкин. Масалан:

me	[mi:]	piece	[pi:s]
tea	[ti:]	peace	[pi:s]
through	[θru:]	taught	[tɔ:t]

Маълумки ҳозирги инглиз тилида 21 унли ва 24 ундош фонема, ўзбек тилида эса 6 унли ва 25 ундош фонема мавжуд.

Талаффузда фонемани эмас, унга тегишли бўлган бирор товуш талаффуз қилинади. Нутқдаги барча товушларнинг саноғи йўқ, аммо турли товушлар онгли равишда бир неча унли ва ундош фонемаларга бирлаштирилади. **Фонема** деб тилдаги сўзларни ташкил қилувчи ва уларни фарқлашга хизмат қилувчи энг кичик тил бирлигига айтилади. Масалан: бир — бор — бур — бер — бўр — бар (тўр) сўзларида ўзбек тилидаги барча 6 унли фонема фарқланади.

Инглиз тилидаги beat [bit], bit [bit], bet [bet], Bat [bæt], bart

[bɑ:t], bought [bɔ:t], but [bʌt], bird [bɜ:d] сўзларида 8 унли фарк-ланади. Мисоллардан кўриниб турибдики, инглизча сўзларнинг баъзиларида товушлар ва ҳарфлар сони бир-бирига мос келмайди. Чунки инглиз тилининг талаффузи ва ёзуви ўртасида катта фарк бор. Ана шу фаркни ҳисобга олиб, инглиз тилининг талаффузини ўргатишда қайси ҳарф ва ҳарф бирикмаси қандай товуш билан ўқилишига алоҳида эътибор бериш лозим бўлади.

Унли ҳарфларнинг, турли товушларни ифодалашига доир қоидаларни тўрт турдаги бўғинларни фарқлаш ёрдамида изоҳлаш анча қулайлик туғдиради.

Сўзларни ташкил этувчи фонемалар нуткимизда ёндош товушларнинг таъсирида турли ўзгаришларга учрайди. Шундай ўзгаришларга учрайдиган товушларни **фонемаларнинг вариант (аллофон) лари** деб юритилади.

### БИРИНЧИ ДАРС

1. [p], [b], [m] ундошлари. [p] ва [b] ундошлари лаб-лаб, шовқинли, портловчи товушлардир. [p] — кучли, жарангсиз бўлиб, [b] — кучсиз жарангли ундошдир. [p] ундоши урғули унлилардан олдин кучли нафас товуши хусусиятига эга. Уни фонетик транскрипцияда [p<sup>h</sup>] шаклида кўрсатилади. Бундай нафас товуши қисқа ёки урғусиз унлилардан олдин жуда кучсиз талаффуз қилинади ва ҳатто [s] товушидан кейин нафас товуши йўқолади. Масалан: peace [p<sup>h</sup>i:s], pale [p<sup>h</sup>eɪl], ran [p<sup>h</sup>æp], pepper [p<sup>h</sup>erə], sport [spɔ:t], spoon [spu:n].

Ўзбек тилидаги (п) ва (б) товушлари ҳам лаб-лаб, портловчи, шовқинли ундошлар бўлиб, (п) — жарангсиз, (б) — эса жарангли. Ўзбек тилидаги (п) ва (б) ундошлари инглиз тилидаги [p] ва [b] товушларидек кучли талаффуз қилинмайди. Инглизча [b] товуши сўз охирида жарангсиз талаффуз этилмайди.

Бирор товуш, масалан, [p<sup>h</sup>] товушининг нафас билан айтилиши фонетикада “fortis” — кучли товуш, нафас билан айтилмайдиган товуш, масалан, [b] товуши “lenis” кучсиз товуш деб юритилади.

[m] — ундош товуши лаб-лаб, бурун сонанти бўлиб, унинг талаффузида юкори ва пастки лаблар бир-бирига жипслашиб, тўла тўсик ҳосил қилади. Унинг талаффузида юмшоқ танглай пастга тушади ва ҳаво оқими бурун бўшлиғи орқали ўтади. Инглиз тилидаги [m] товушининг талаффузи ўзбек тилидаги (м) га қисман ўхшашдир.

### ИККИНЧИ ДАРС

[f] — лаб-тиш, сирғалувчи, жарангсиз товушдир. Бу товушни талаффуз этишда пастки лаб тепа тишларига тегиб туради, ҳаво оқими улар орасида ҳосил бўлган ораликдан ўтади. Товуш пайчалари титрамайди. Инглиз [f] товуши ўзбек (ф) товушидан, айниқса, сўзнинг охирида, бир оз кескин ва каттиқрок талаффуз



этилиши билан фарк қилади. [f] фонемасини f [ef] ҳарфи ва ph ҳарф бирикмалари беради.

[v] лаб-тиш, сирғалувчи жарангли товушдир. Бу товушнинг талаффузи [f] товушига ўхшаш бўлиб, уни талаффуз қилишда товуш пайчалари титрайди. [v] товуши сўз бошида сўз охиридагига нисбатан кучлироқ талаффуз этилади.


[v] товуши v [vi] ҳарфи билан берилади.

#### 1- машк

ib	ib	pib	pib
if	if	mip	mip
bim	bim	bif	biff
mif	mif	vib	vib


*Эслатма:* Иккиланиб келган аини бир ундош ҳарф битта ундош товушни ифодалайди. Масалан: biff [bif].

[i] унлиси тил олди, бир оз орқага силжиган, ярим ёпик, лабланмаган қиска монофтонгдир. Бу товушни талаффуз этишда тил олдининг орқароқ қисми қаттиқ танглайга кўтарилади, тил учи эса пастки тишлар асосига қадалади, лаблар бир оз очик ҳолатда бўлади. Инглиз тилидаги [i] товуши ўзбек тилидаги (и) товушидан бир оз қисқароқ талаффуз этилади.



[i] товушини i [ai] ҳарфи ёпик бўғинда беради.

[e] — унлиси тил олди, ярим очик, лабланмаган, қиска монофтонгдир. Бу товушни талаффуз этишда тилнинг олд қисми қаттиқ танглайга кўтарилади, тил учи пастки тишлар асосига қадалади, лаблар эркин ҳолатда бўлиб, жағ бир оз пастга туширилади. Ўзбек тилидаги (э, е) унлилари инглиз [e] товушидан тил олди қисмининг бир оз кўтарилиб талаффуз қилиниши билан фарқланади (энди, энг, эл, элак).




Езувда е ҳарфи ёпик бўғинда [e] товушини беради.

#### 2- машк

bet	bei	men	men	eb	ebb
ten	ten	net	net	en	enn
peb	peb	veb	veb	ef	ef
bed	bed	pen	pen	et	et

[i:] — унлиси тил олди, ёпик, лабланмаган, чўзиқ, дифтонг-лашган товушдир. Бу товушни талаффуз қилишда тил олдининг



ҳаракат қилиб, унинг учи пастки тишлар асосига тегиб туради, жағ орасида тор оралик ҳосил бўлиб лаб бурчаклари таранг тортилади. [i:] товушининг дифтонглашган ҳолати каттик танглайга яқин турган тил олди қисмини олдинга қараб сурилишидан ҳосил бўлади. Бу товуш ўзбек тилидаги «тий, кий» сўзларидаги (ий) товушлар йиғиндисига ўхшайди.

Очик бўғинда келганда е ҳарфи [i:] товушини беради.

### 3- машқ

bi:	be	mi:n	mean
ti:	tea	ti:m	team
vi:	v	bi:n	been

**Эслатма:** [i:] товуши сўзнинг охирида урғули ҳолатда келганида чўзик (be [bi:], tea [ti:]), жарангли ундошлардан олдин бир оз қиска (bead [bi:d], lead [li:d]) жарангсиз ундошлар олдида анча қиска (Pete [pi:t], deep [di:p]) талаффуз қилинади.

Унлиларнинг сўздаги қайси ҳолатда келиш ўрнига кўра чўзик ёки қиска талаффуз қилиниши *позицион чўзиқлик* дейилади. Одатда унли товушлар жарангли ундошлардан олдин бир оз чўзик, жарангсиз ундошлардан олдин эса қисқароқ талаффуз этилади. Шунингдек, унли товушлар урғули очик бўғинда чўзик, ёпик бўғинда қисқароқ талаффуз қилинади.

bag	[bæg]	—	back	[bæk]
said	[sed]	—	set	[set]
sea	[si:]	—	seat	[si:t]
pore	[pʰɔ:]	—	port	[pʰɔ:t]

### У Ч И Н Ч И Д А Р С


1. Ундош фонемалар: [t], [d], [n], [l].
2. Ҳарфлар: Tt, Dd, Nn, Ll.

[t] фонемаси тил олди, шовкинли, апикал-альвеоляр, портловчи жарангсиз кучли ундошдир.

[t] нинг талаффузида тилнинг учи вертикал ҳолатда альвеолга теккизилади. Товуш пайчалари титрамайди.

Ўзбек (т) товушининг талаффузида тил учи эмас, балки тил олди қисми иштирок этади. Тил олди қисми альвеолга эмас, ундан берирокдаги милкка теккизилади.

Инглиз [t] фонемаси p [pʰ] га ўх-



шаб талаффуз этилиши туфайли уни ҳам “fortis” товушлар гуруҳига, яъни кучли нафас товуши гуруҳига киритилади.

Езувда [t] товуши Тt ҳарфи билан ифодаланади.


[d] фонемаси тил олди, шовқинли, апикал-альвеоляр, портловчи, жарангли кучсиз ундошдир.

[d] нинг талаффузи [t] дан талаффузда товуш пайчаларнинг титраши билан фарқ қилади. Ўзбек тилидаги (д) товуши ҳудди (т) товуши сингари тил учини тишларга теккизиб талаффуз қилинади.



Езувда [d] товуши Dd ҳарфи билан ифодаланади.

[n] фонемаси тил олди, апикал-альвеоляр, портловчи, бурун сонантдир.

[n] товуши [t] ва [d] товушлари сингари талаффуз қилинади. Бирок [n] товушининг талаффузида юмшоқ танглай пастга тушади, ҳаво оқими бурун бўшлиғи орқали ўтади. Товуш пайчалари титрайди. Ўзбек тилидаги (н) товуши тил учи тишларга тегиб турган ҳолатда талаффуз этилади. Инглиз [n] товуши унлилардан олдин юмшатилмайдир. Езувда [n] товуши n ҳарфи билан ифодаланади.



[l] фонемаси тил олди, апикал-альвеоляр, ён сонантдир. [l] товушининг талаффузида тил учи [t], [d], [n] товушларидаги син-



гари альвеолага тегиб туради, [l] фонемаси сўздаги ўрнига кўра икки хил, яъни юмшоқ ва қаттиқ талаффуз қилинади. [l] нинг юмшоқ аллофони унлилардан олдин, қаттиқ аллофони ундошлардан олдин ва сўз охирида қўлланади. [l] нинг юмшоқ аллофонини талаффуз қилишда тил учи кўтарилиши билан бирга тилнинг ўрта қисми ҳам кўтариледи. Қаттиқ аллофонини талаффуз қилишда эса тил учи кўтарилиши билан бирга тилнинг орқа қисми ҳам кўтариледи. Ўзбек тилидаги (л) нинг талаффузида тил учи юқори тишларга тегиб туради.

Езувда [l] товуши l ҳарфи билан ифодаланади (lip, spell).

4- машк

tin	tɪn	in	ɪn	it	ɪt	T	ti:
tip	tɪp	pit	pɪt	hit	hɪt	D	di:
did	dɪd	pin	pɪn	mid	mɪd	seat	si:t
nip	nɪp	dip	dɪp	lid	lɪd	beat	bi:t
		lid	li:d	lead	li:d		
		pit	pɪt	Pete	pi:t		

tin — ten — tea    tɪn — ten — ti:  
pin — pen — pea    pɪn — pen — pi:

5- машк. Қуйидаги машкдаги фонетик ходисани аниқлаб, талаффуз этинг.

step — step	skin — skin
stem — stem	spill — spil
still — stɪl	skill — skɪl
steep — sti:p	spell — spel
stint — stɪnt	spit — spɪt

Қуйидаги тўртликни ёдланг. Нафас товушлари талаффузига эътибор беринг:


PATS PETS

Pat keeps two pets  
A cat and a rat.  
Pat likes his pets  
And his two pets like pat.  
'pæt 'ki:ps 'tu: pets  
ə' kæt and ə ræt//  
'pæt 'laɪks hɪz pets  
ænd hɪz 'tu: pets/ 'laɪk pæt//

ТҮРТИНЧИ ДАРС

1. [æ] унли фонемаси.
2. [s], [z] ундош фонемалари.
3. Ss, Zz ҳарфларнинг ўқилиши.
4. [sn], [sl], [st], [zl], [zn] товуш бирикмалари.
5. Бўғин ва бўғинга бўлиш.

[æ] фонемаси — тил олди, пастки кўтарилиш (очик), лабланмаган, ярим чўзик унлидир, [æ] нинг талаффузида тил олдинга йўналтирилади, тил учи пастки тишларга тегиб туради, пастки жағ эса анча тушади. [æ] унлиси жарангли ундошлар ва сонантлардан олдин келганда бир оз чўзик талаффуз қилинади. Ўзбек тилида [æ] товушига ўхшаш товуш йўқ. Езувда инглиз тилидаги [æ] товуши ёпиқ бўғинда келган а ҳарфи билан ифодаланади. Инглиз [æ] товуши ўзбек (а) товушидан очиклиги ва жағнинг пастга анча тушиши билан фарқ қилади.



## 6- машк.

fat	fæt	mat	mæt	sam	sæm
tap	tæp	bat	bæt	fan	fæn
lamp	læmp	van	væn	cap	kæp
mass	mæs	Dan	dæn	man	mæn

7- машк. Куйидаги сўзлардаги унлиларнинг талаффузига эътибор беринг. Оғизнинг очилиш даражасига қараб, сўзлар маъносини ўзгаришини кузатинг.

sat	— set	sæt	— set	bad	— bed	bæd	— bed
bag	— beg	bæg	— beg	bat	— bet	bæt	— bet
lag	— leg	læg	— leg	ban	— Ben	bæn	— ben
lad	— led	læd	— led				

*Эслатма:* Бу машкларни бажарганда инглиз ундошларининг унлилардан олдин келганда юмшатишмаслигига эътибор беринг.

[s], [z] фонемалари — тил олди, шовқинли, сирғалувчи, альвеоляр ундошлардир [s] — жарангсиз, [z] жарангли товушдир. [s] ва [z] ундошларнинг талаффузида тил учи альвеолга тегиб, ҳаво оқими тор тўсикдан ўтади. [s] товушининг талаффузида товуш пайчалари титрамайди, [z] товушининг талаффузида эса улар титрамайди. Ўзбек (с) ва (з) товушлари талаффуз этилганда тил учи тишлар орқасига тегади.

Езувда [s] товуши s ҳарфи, [z] товуши эса z ҳарфи билан ифодаланади.

## 8- машк

spill	spil	sell	sel	Z	zed	dogs	dɔgz
skill	skil	Sam	sæm	as	æz	his	hɪz
stem	stem	sit	sɪt	is	ɪz	tens	tenz
step	step	Mass	mæs	Zeal	zi:l	sands	sændz

*Эслатма:* [s] ва [z] товушлари унлилардан олдин юмшатишмаслигини ва сўз охирида [z] жарангсизлашмаслигини ёдда тутинг.

**Ss ва Zz ҳарфларнинг ўкилиши.** s ҳарфи сўз бошида [s] бўлиб ўкилади: sit [sɪt] ўтирмак. s ҳарфи жарангли ундошлардан аввал ва кейин келганда ҳам [s] ўкилади: dress [dres] — кийим, desks [desks] — парталар. s ҳарфи икки унли ўртасида ва жарангли ундошлардан кейин сўз охирида [z] ўкилади: easy [i:zi] енгил, pens [penz] рўчкалар.

z ҳарфи доим [z] деб ўкилади: Zigzag [zɪgzæg] — зигзаг, жаз (оркестр). — Jazz [dʒæz].

[sn], [sl], [st], [zl], [zn] — товуш бирикмалари. Юқоридаги товуш бирикмаларнинг таркибий қисми бўлган [n], [l], [t] товушларнинг талаффузида тил учини милкка текказмай талаффуз қилиш лозим, акс ҳолда, уларни юмшатишга йўл қўйилиши мумкин.

## 9- машк.

stop	stɒp	lesson	lesn	slip	slɪp
stem	stem	season	si:zn	sleep	slɪ:p
steep	sti:p	teasel	ti:zl	slept	slept

Нутк жараёнида товушлар нутк органларнинг кучли ва кучсиз ҳаракат қилиши билан талаффуз этилади. Талаффуз вақтида товуш ёки товушлар бирикмасини нутк органларнинг кучли ёки кучсизланиш билан чегараси нутк органларнинг кучсизланиш ёки кучли жараёнига тўғри келади. Одатда сўзнинг бир ёки икки бўғини урғу олади. Урғу олган бўғин — **урғули** бўғин деб аталади, урғу олмаган бўғин — **урғусиз** деб аталади. Масалан: in'finite, in'definite — сўзларида чапдан иккинчи бўғин урғули, қолганлари урғусиз бўғинлар ҳисобланади. Урғули бўғин урғусиз бўғинга қараганда аниқроқ эшитилади.

Ўзбек тилида кўп бўғинли сўзлардаги бўғиннинг сони ундаги унли ҳарфларга қараб аниқланади. Сўзда нечта унли бўлса, бўғин сони ҳам ўшанча бўлади. Масалан: фаол — 2 бўғинли, итоат — 3 бўғинли сўзлар. Инглиз тилида эса бўғинлар сони ундаги унли ҳарфлар сонига қараб эмас, балки унли товушларнинг кўплиги, унли ҳарфлар бирикмаси ёки диграфлар билан ифодаланиб келади. Масалан: gain, meat — бир бўғинли сўзлардир.

Икки бўғинли сўзларни бўғинларга бўлиш чизиғи ҳар иккала тил учун бир-биридан қисман фарқ қилувчи қуйидаги 4 хил қоида билан кўрсатилади.

1. Ўзбек тилида икки унли ҳарф орасида ҳеч қандай ундош келмаса, бўғин ажратиш чизиғи шу икки унли ҳарф ўртасидан ўтказилади. Масалан: со/ат, фа/ол.

Инглиз тилида эса бўғин ажратиш чизиғи икки унли ҳарф ўртасидан ўтказилмайди. Чунки икки унли ҳарф бир товушни ифодалаб келиши мумкин. Масалан: meat, gain. Аммо айрим диграф бўлмаган унлилар бирикмасида бўғин ажратиш чизиғи улар ўртасидан ўтади. Масалан: ро/ет.

2. Ўзбек тилида икки унли ҳарф орасида битта ундош келса, бўғин ажратиш чизиғи шу ундош олдидан ўтади ва биринчи бўғин очиқ бўлиб келади. Масалан: қа/лам, о/лам.

Инглиз тилида ҳам икки унли ҳарф орасида битта ундош ҳарф келса, бўғин ажратиш чизиғи шу ундошдан олдин ўтказилади. Масалан: со/фа, ти/пу. Фақат баъзи икки бўғинли сўзларда бўғин ажратиш чизиғи икки унли ўртасида келган ундош ҳарфдан кейин ўтади. Масалан: рix/у. Бунга сабаб икки бўғинли сўз ўртасида келган х ундош ҳарфининг икки ундош товуш [ks] товуш бирикмаси билан талаффуз этилишидир. Бундай ҳолларда биринчи бўғин ёпиқ бўлиб келади.

3. Ўзбек ва инглиз тилларида икки унли ҳарф орасида икки ундош келса, бўғин ажратиш чизиғи шу икки ундош ўртасидан ўтади. Масалан: даф/тар, рах/бар, but/ter, mis/sile.

4. Ўзбек тилида икки унли ҳарф орасида учта ундош келса, бўғин ажратиш чизиғи биринчи икки ундош ҳарфдан кейин ўтади. Масалан: рост/дан, орт/мок.

Инглиз тилида икки унли ҳарф ўртасида учта ундош ҳарф келса, бўғин ажратиш чизиғи биринчи икки ундошдан сўнг, баъ-

зида эса биринчи ундошдан кейин ҳам ўтказилиши мумкин. Бунга сабаб икки ундош ҳарфнинг бир ундош товуш билан ифодаланиши, **n**, **l** бўғин ҳосил қилувчи сонантларнинг келиши ва **g** ундош ҳарфнинг ўзидан олдинги ундош ҳарф билан ассимиляция бўлишидир. Масалан: black/ness, bab/le, dis/trict.

5. Унлилар ҳамма тилларда ҳам бўғин ҳосил қилувчилар ҳисобланади. Аммо айрим тилларда, шу жумладан инглиз тилида сонантлар (**m**, **n**, **ŋ**, **l**, **g**, **j**, **w**) унли вазифасини ўтаб, бўғин ҳосил қилади. Сонантлар ўзларидан олдин келган унлилар талаффузига таъсир этиб ҳамда ўзларидан олдин турган ундошларга нисбатан жаранглироқ талаффуз этилиши туфайли бўғин ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлади. Бўғин ҳосил қилувчи сонант тагига транскрипцияда [.] белгиси қўйилади: [kəŋn], [leʃn].

### Дифтонглар.

Инглиз тилида икки унли товушдан иборат бўлган ҳамда бири-биридан ажратмай талаффуз этиладиган товушлар борки, уларни талаффуз этганда, нутқ органлари бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтади. Бундай мураккаб товушлар дифтонглар деб аталади. Инглиз тилида тўққизта дифтонг бор: [eɪ, aɪ, ɔɪ, aʊ, oʊ, ɪə, uə, ɛə, əə]. Дифтонгнинг икки элементи орасига ҳеч қандай товуш қўйилмай, бир бўғин доирасида талаффуз қилинади.

Дифтонгнинг биринчи элементи — **ядро**, иккинчи элементи эса **глайд** деб юритилади. Ядро аниқ ва кескин, глайд эса кучсиз талаффуз этилади.

Инглиз тили дифтонглариغا ўхшаш товушлар ўзбек тилида учрамайди. Ўзбек тилида талаффуз жиҳатдан дифтонгга яқин келувчи товушлар бирикмалари учрайди. Булар: **ой** (той, сой, бой, ой), **ий** (тий, кий, кий), **ие** (ие, ҳали шундай денг), **ай** (най, ҳайхот, лаббай) бўлиб, улар иккита алоҳида фонемалар иштирокида талаффуз этилади. Инглиз дифтонгларининг биринчи қисми кучли, уруғли талаффуз этилса, ўзбек тилидаги дифтонгсифат товуш бирикмалари деярли бир хил даражада талаффуз этилади ва икки бўғинга ажралиб кетади. Масалан, со-ат, са-одат, то-ат каби.

[eɪ] — дифтонги. [eɪ] дифтонгнинг талаффузида нутқ органларининг ҳаракати [e] товушнинг талаффузидан бошланиб, кейин [ɪ] товушини талаффузига ўтади. Бунда тилнинг ўрта қисми [ɪ] товушнинг алоҳида талаффузидаги каби унчалик юқори қўтарилмайди.

Дифтонгнинг иккинчи элементи [ɪ] ни талаффуз қилишда тилнинг ўрта қисмини юқори, ўзбекча (й) тарзида шунингдек дифтонгнинг ядроси [e] — ни ўзбекча (э) тарзида талаффуз қилиш хатодир.

## Б Е Ш И Н Ч И Д А Р С

Унли ҳарфлар бўғин турида келишига кўра монофтонг ва дифтонг товушларни ифода этади.

**Монофтонглар.** Инглиз тилида маълум унли товушлар борки, уларнинг талаффузида нутк органларининг ҳолати ўзгармайди. Бундай товушлар монофтонглар дейилади. Монофтонглар ўз навбатида қисқа ([ɪ, e; æ, ə, ʊ, ʌ, ə]) ва чўзик ([ɑ; ɔ; ə]) монофтонгларга ажралади. Қисқа монофтонг товушлар ёпик бўғинли сўзлар, яъни г ҳарфидан ташқари ҳар қандай ундош ҳарфга тугаган бўғин ва сўзларда учрайди: in, did, tell, sent, car, hat, sun, not. Бу бўғин I тур бўғини деб юритилади.

Инглиз тилидаги бўғиннинг иккинчи турида унлилар алфавитдаги номи билан ўқилади: а [eɪ], е [i:], и [aɪ], о [ou], u [u:] ёки [ju:] фақат у ҳарфи и ҳарфидек [aɪ] деб ўқилади. II тур бўғин фонетик ва график жиҳатдан очик, яъни фақат биргина урғули унлига эга бўлган мутлак очик бўғин (we [wi:], me [mi:]) ҳамда фонетик жиҳатдан ёпик, график жиҳатдан эса очик (ўқилмайдиган е ҳарфига тугайдиган бўғин) бўғинлардан таркиб топади (take [teɪk]).

Чўзик монофтонг товушлар г ҳарфи ёки г ҳарфидан кейин ундош ҳарф келадиган сўзларда учрайди: bird, park, term, sport. Бу бўғин III тур бўғин деб юритилади.

Езувда [eɪ] дифтонги очик бўғинда А а ҳарфи оркали ифодаланади: game [geɪm] ўйин, [eɪ] дифтонги аi ау еi еу ҳарфлар бирикмаси оркали ҳам ифодаланади: way [weɪ] йўл, they [ðeɪ] улар, main [meɪn] асосий, weight [weɪt] оғирлик.

### 10- машқ.

teɪp	tape	neɪl	nail	meɪ	may
meɪt	mate	teɪl	tail	seɪ	say
leɪm	lame	feɪl	fail	veɪn	vein

Такқослаш учун мисоллар. Қуйидаги сўзлар талаффузидаги фарқни аниқланг.

### 11- машқ.

ten	—	teɪm	ten	—	tame
sel	—	seɪm	sell	—	same
men	—	meɪn	men	—	main
ben	—	beɪm	Ben	—	bame

[aɪ] **дифтонги.** [aɪ] дифтонгининг талаффузида нутк органи аввал ўзбек тилидагидек очик (а) товуши талаффузидаги ҳолатда бўлиб, кейинча ярим ёпик [ɪ] унлисининг талаффузига ўтади. Тил учи пастки тишларга тегиб туради, жағ бир оз пастга тушади. Тил ўрта қисмини жуда юқори кўтармаслик зарур. Акс ҳолда [ɪ] унлиси ўзбек тилидаги й га ўхшаб қолиши мумкин.

[aɪ] дифтонги езувда очик бўғинда I i, Y y ҳарфлари ва ie, ye ҳарф бирикмалари оркали ифодаланади: tie [taɪ], гye [gaɪ].




12- машк. Машки бажарганда дифтонгнинг ядроси кучли, глайди эса кучсиз артикуляция қилинишига эътибор беринг:

ai	I	raɪ	rye	daɪ	die
faiɪ	fi:ne	baɪ	by	daɪm	dime
maɪn	mi:ne	taɪ	tie	paɪp	pipe
said	side	paɪ	pie	raɪp	ripe

[w] **фонемаси.** Инглиз тилидаги [w] фонемаси лаб-лаб, тил орқа, сирғалувчи, сонантдир.

[w] товушнинг талаффузида лаблар думалок ҳолда бўлиб, бир оз олдинга чиқади. Тилнинг орқа қисми юмшоқ танглайга қўтарилади. Ўзбек тилидаги (в) лаб-лаб товуши инглизча [w] га бир оз яқин келади. Бирок ўзбек тилидаги (в) нинг талаффузида лаблар инглизча [w] дагидек ҳаракат қилмайди.



Инглиз тилидаги [w] товушининг тўғри талаффуз этиш учун лабларни бир-бирига яқинлаштириб, ҳаво оқими ўтиши учун бир оз думалок ҳолатга келтириш зарур.

13- машк.

w	—	w	—	w			
www							
www							
www							
web	web	wait	white	twinz	twins		
wet	wet	weld	wade	swip	sweep		
wit	wit	weist	waist	wen	when		
win	win	waif	wife	wip	whip		

[w] фонемаси ёзувда w ҳарфи билан ифодаланади.


Инглиз тилидаги [v] ва [w] фонемаларини бир-биридан фарқлаш зарур.

[v] — лаб-тиш, [w] эса лаб-лаб товушдир.

14- машк.

wi:	—	vi:	we	—	ve
wi:l	—	vi:l	wheel	—	veal
weils	—	veils	whales	—	veils
wel	—	veil	well	—	veil
wet	—	vet	wet	—	vet
liv	—	wiv	leave	—	weave
faiv	—	waif	five	—	wife
wen	—	væn	when	—	van

wh ҳарфлар бирикмаси барча унлилардан олдин (o ҳарфи бундан мустасно) [w] деб ўқилади.



[θ] ва [ð] фонемалари. [θ] ва [ð] фонемалари тил олди, тиш ўрта шовкинли, сирғалувчи ундошлардир. [θ] — жарангсиз, [ð] жарангли товушдир. [θ] товушни талаффуз қилишда лаблар ўртача, олдинги юқори ва пастки тишлар кўришиб турадиган даражада очилади, тилнинг учи юқори ва пастки тишлар ўртасида бўлиб, бироқ уларга тегмайди. Тилнинг

ён томонлари юқори ён тишларга тегиб туради, ҳаво оқими юқори тишлар ва тил учи ўртасида ҳосил қилинган ораликдан ўтади. [θ] жарангсиз товуш бўлиб уни талаффуз қилганда, товуш пайчалари титрамайди.

[ð] эса аксинча жарангли товуш бўлиб, уни талаффуз қилганда товуш пайчалари титрайди. Ўзбек тилида бундай товушлар йўқ, шунинг учун ҳам бу товушлар талаффузини автоматлаштиришда кўзгудан фойдаланиб, машқ қилиш мақсадга мувофиқдир. Ёзувда [θ], [ð] товушлари **th** ҳарфлар бирикмаси орқали ифодаланади. **th** ҳарфлар бирикмаси мустақил сўз туркумларида [θ] (thin [θɪn], theft [θeft]), ёрдамчи сўз туркумларида [ð] (with [wɪð], the [ði:]) унлилар ўртасида эса доимо [ð] (bother [bɒðə], neither [naɪðə]) деб ўқилади.

#### 15- машқ.

fff — θθθ	θθθ — sss
sss — θθθ	θθθ — fff
vvv — ððð	θθθ — ððð
zzz — ððð	ððð — θθθ
zz ðð zz	
ssθθ — ss	

#### 16- машқ.

fin — θɪn	fin — θɪn	tæn — ðæn	tan — θæn
θɪn — tɪn	thin — tɪn	fæt — ðæt	fat — θæt
seɪ — ðeɪ	say — θeɪ	θi:m — si:m	theme — seɪm
beɪz — beɪð	bays — bæθe	θɪk — tɪk	thick — tɪk

**[ou]** дифтонги. [ou] дифтонгнинг ядроси [o] товуши бўлиб, глайди [u] товушидир. Дифтонгнинг ядроси тил орқа, ярим очик, лабланган, қисқа товушдир. Уни талаффуз қилишда тил орқа қисми [ɔ] товушнинг артикуляциясидан юқорирок кўтарилади. Лаблар доира шаклида бўлади, бироқ олдинга чўччайиб чикмайди. Дифтонгнинг глайди қисқа талаффуз этилади. Бу дифтонг ўзбек тилидаги «овқат», «палов» сўзларидаги (**ов**) нинг талаффузига бир оз ўхшайди. [ou] дифтонги ёзувда қуйидагича берилади:

1. Очик бўғинда **O o** ҳарфи орқали:

bone [bəʊn] — суяк  
lone [ləʊn] — ёлғиз

2. **oe, ea, ow, old** харф бирикмалари билан:

boat [bout]	— кема	window [windou]	— дераза
boe [bou]	— дўст	gold [gould]	— олтин

17- машқ. Қуйидаги сўзлар ўқилишига эътибор беринг. Уларни фонетик таҳлил этинг:

bout	— boat	nouz	— noze
nout	— note	gou	— go
kout	— coat	θrou	— throw
wouk	— woke	dount	— don't
bə:n	— boun	burn	— bone
dʒæk	— dʒouk	jerk	— joke
kə:l	— kouk	curl	— coal
pə:l	— pouk	perl	— pole
gət	— gout	got	— goat
kək	— kouk	cock	— coke
kət	— kout	cot	— cote
dət	— dout	dot	— dote

[au] **дифтонги**. Бу дифтонгнинг биринчи элементи [a] дифтонгидаги [a] товушининг ўзидир, яъни тил олди, қуйи кўтарилишдаги, лабланмаган унлидир. Иккинчи элементи [u] товуши бўлиб, унинг талаффузида тил орқага тортилади ва унинг орқа қисми юқорига йўналади. [u] товуши кучсиз ва қисқарок талаффуз этилади, лабар олдинга силжимади.

Ўзбек тилида [au] га ўхшаш товуш йўқ. Езувда [au] товуши **ou, ow** харф бирикмалари орқали ифодаланади:

nou	[nau]	хозир
mouth	[mauθ]	оғиз

18- машқ. Қуйидаги сўзларни ўқилишидаги фаркка эътибор беринг.

[faund]	found	[laundʒ]	lounge
[daun]	down	[draun]	drown
[laud]	loud	[kaunsl]	council
[haund]	hound	[kaunt]	count

Қуйидаги сўзлардаги дифтонг ва дифтонглашган товушлар талаффузига эътибор беринг.

[i:]	e	these	[eɪ]	a	take	[aɪ]	i	like
	ea	speak		ai	rain		ie	lie
	ei	ceiling		ay	day		y	typist
	ey	key		ei	height		igh	high
	ie	field		ey	they		ild	child

[au]	o	no	[(j)u:]	u	use
	oa	boat		eu	due
	ou	shoulder		ew	new
	ow	low		ou	group
			oo	moon	
			o	who	

## Диграфлар редукцияси

Маълумки, инглиз тилида товушларни фақат ҳарфларгина эмас, балки диграфлар ҳам ифодалайди. Инглиз унли ҳарфи кучсизланиб талаффуз этилганидек, диграфлар ҳам редукцияга учрайди:

**ai, ay, ey, ee** диграфларининг талаффузида уларнинг ядроси кучсизланиб, глайди билан ўкилади.

day [deɪ] — monday [mʌndɪ], Tuesday [tʃu:zdi], fountainpen [fauntɪnpɛn], coffee [kɒfi], hockey [hɒki], monkey [mɒnki] **ou** диграфи урғусиз ҳолатда [ə] бўлиб ўкилади: famous [feɪməs]. **oa, ow, oy, ew** ҳарф бирикмалари урғусиз ҳолатда ҳам кучсизланмайди: cocoa [kɒkəʊ], Moscow [mɒskəʊ], window [wɪndəʊ] mildew [maɪldju:], envoy [envɔɪ].

## TO BE (БЎЛМОҚ) ФЕЪЛИ

Ҳар бир тилда фақат шу тилнинг ўзигагина хос бўлган хусусиятлар мавжуд бўлади. Ана шундай хусусиятлардан бири инглиз тилидаги гапда кесимнинг бўлишини шартлигидир. Агарда бирор содда гап таркибида мустақил феъл бўлмаса, унинг ўрнида ёрдамчи феъл ишлатилади. To be феъли ана шундай ёрдамчи феъллардан биридир.

Одатда инглиз тилидаги ёрдамчи феъллар урғу олмайди. Шунинг учун ҳам ёрдамчи феъл таркибидаги унли редукцияга учрайди.

to be — феълнинг кучли (редукцияга учрамаган) ва кучсиз (редукцияга учраган) талаффузи қуйидагичадир.

	кучли	кучсиз
Бирлик	I шахс am [æm] III шахс is [ɪz]	[əm], [m] [z] — унли ва жарангли ундошлардан сўнг. [s] — жарангсиз ундош- лардан сўнг
Кўплик барча шахслар учун	[a:] инфинитив be [bi:]	[a:], [ə] [bi:], [bɪ]

*Эслатма.* Редукция товушнинг сифатида ҳам, микдориди ҳам ўз аксини топиши мумкин. Товушнинг сифат жиҳатдан ўзгариши *сифат редукцияси* ([æm → əm]), чўзиқлигининг кискариши *микдор редукцияси* ([bi: → bɪ]) дейилади. Агар редукция натижасида унли товуш талаффуз этилмай тушириб колдирилса, у *тўлиқ редукция*га учраган ҳисобланади: [ɪz → |z], [æm → m].

## СЎЗ УРҒУСИ

Сўздаги бир ёки бир неча бўғинни кучли талаффуз қилиб, бошқа бўғинлардан ажратиб кўрсатишга *сўз урғуси* дейилади. Транскрипцияда урғули бўғин устига урғу белгиси қўйилади: table ['teɪbl], again [ə'geɪn]. Инглиз тилида урғу биринчи, иккинчи, учинчи ва бошқа бўғинга ҳам тушиши мумкин. Шунинг учун инглиз тилидаги урғуни *эркин урғу* деб юритилади. Инглиз тилидаги кўп бўғинли сўзларда иккита урғули бўғин бўлиши мумкин. Бунда урғулардан бири иккинчисига қараганда кучлироқ бўлиб, у *асосий урғу*, иккинчиси, кучсизроғи эса — *иккинчи даражали урғу* деб аталади:

Иккинчи даражали урғу бўғиннинг пастига [.] қўйилади. Сўзда иккита асосий урғу ҳам бўлиши мумкин: 'fif'teen ['fɪf'ti:n].

Инглиз тилида урғу сўзларнинг ўзагига тушиши билан характерлидир. Ўзбек тилида эса, урғу кўпинча сўзнинг охириги бўғинига тушади: дафтър, дафтарлър, кишлогимиздағи.

## ЖУМЛА (ФРАЗА) УРҒУСИ

Жумла урғуси — гапдаги бирор сўз ёки сўз бирикмасини ажратиб, кучлироқ талаффуз қилинишидир. Бўғин урғуси сўзнинг бирор бўғинига тушса, жумла урғуси гапдаги сўзнинг бирор бўғинига, сўз бирикмасига тушади.


Одатда, инглиз тилида урғу гапда маъно англлатувчи сўзларга тушади. Масалан: от, сифат, сон, феъл, равиш баъзи олмошлар (кўрсатиш, сўрок олмошлари).

## ОЛТИНЧИ ДАРС

[k] ва [g] ундош фонемалари.

Инглиз тилидаги [k] ва [g] фонемалари тил орқа, шовкинли, портловчи ундошлардир. [k<sup>h</sup>] — жарангсиз кучли, [g] — жарангли кучсиз товушдир. [k] ва [g] нинг талаффузида тилнинг орқа қисми юмшоқ танглайга кўтарилиб, ҳаво тўла тўсикдан шовкин билан ўтади. Ўзбек тилидаги (к) ва (г) ундошлари ҳам шундай ҳосил бўлади. Бирок улар инглизча [k] ва [g] га қараганда анча кучсиз ҳисобланади. Инглиз тилидаги [g] сўз охирида жарангсизлашмайди, [g] ни сўз охирида жарангсиз талаффуз этиш инглиз тилидаги сўзлар маъносини ўзгартириб юборади: pig — чўчка, pick — термоқ.

Инглиз тилидаги [k<sup>h</sup>] фонемаси худди [p] ва [t] товушлари сингари унлилардан олдин келганда, нафас товуши қўйиб талаффуз этиладиган [k<sup>h</sup>] вариантга эга. Шунинг учун бу товуш ҳам "fortis" товушлари группасига қиради.



19- машк.

klæp	clap	pɪk	pick
kæt	cat	kɪk	kick
kætl	cattle	lɪk	lick
kɑɪt	kite	tɪkl	tickle
glæd	glad	pɪg	pig
get	get	mʌg	mug
gæp	gap	fɔg	fog
geɪm	game	bʌg	bug

[k] товуши ёзувда **k** харфи, **ck** харфлар бирикмаси ҳамда **a, o, u** унлиларидан олдин ва барча ундошлардан олдин келган **c** харфи билан ифодаланади:


kick	[kɪk]	— тепмок	camp	[kæmp]	— лагерь
peck	[pek]	— чўчимок	clay	[kleɪ]	— лой
cut	[kʌt]	— кесмок	cock	[kɒk]	— хўроз

20- машк.

cup	pack	week	kit
camp	back	clock	kite
cot	Nick	lock	kill

[g] товуши ёзувда **a, o, u** унлиларидан олдин ва сўз охирида **g** харфи билан ифодаланади:

game	[geɪm]	— ўйин	gull	[gʌl]	— чайка (қуш)
dig	[dɪg]	— казимок			



[ɑ:] **фонемаси** — тил орка, қуйи кўтарилишдаги (очик), лабланмаган, чўзик унлидир. [ɑ:] талаффузида тил оркага йўналади, тил учи пастки тишлардан узокрок туради. Тилнинг орка қисми юмшоқ танглай томон бир оз кўтарилади, жағ пастрок тушади.

Езувда [ɑ:] қуйидагича ифодаланади: 1. Урғули ёпик бўғинда “r” харфидан олдин келган “a” харфи орқали: art [ɑ:t] — санъат, far [fɑ:] — узок, garlic [gɑ:lɪk] — саримсок пиёз.


2. **a + s** — ундош харфлар бирикмасидаги “a” харфи ҳам [ɑ:] деб ўкилади:

fast	[fɑ:st]	тез
pass	[pɑ:s]	узатмок
last	[lɑ:st]	сўнгги

21- машк.

ɑ:m	arm	bɑ:k	bark	bɑ:d	bard
ɑ:t	art	dɑ:k	dark	bɑ:skɪt	basket
ɑ:tʃ	arch	hɑ:m	harm	pɑ:t	part
kɑ:d	card	fɑ:s	farce	lɑ:k	larke
kɑ:sk	cask	dɑ:n	darn	glɑ:s	glass

**[r]** ундош фонемаси. [r] фонемаси — тил олди, орка альвеоляр, сирғалувчи, ўрта сонантдир. [r] товушининг талаффузида тил учи билан танглай ўртасида тор оралик ҳосил қилинади. Тилнинг четлари юкори ён тишларга тегиб туради ва ҳаво оқими танглай ва тил учи ўртасидаги ораликдан ўтади. Унинг ҳосил бўлишида шовкин деярли эшитилмайди.



Ўзбек тилидаги (p) ундошининг талаффузида тил учи танглайнинг олди қисмига тегиб туради. Ҳаво оқими тил учини титратиши натижасида титроқ (p) товуши ҳосил бўлади. Инглиз тилидаги [r] сонанти титроқ эмас.

22- машк.

reɪl	rail	rɒk	rock	rent	rent
reɪs	race	rɒd	rod	ræk	rack
ɡʌn	gun	rɒb	rob	rɪb	rib

“r” ҳарфи сўзда фақат унли товушдан олдин ва сўз боғланишида [r] бўлиб ўқилади:

rain	{reɪn}	— ёмғир
rat	{ræt}	— каламуш
grain	{greɪn}	— дон
rest	{rest}	— дам олмок

I live in the Far East	{aɪ lɪv ɪn ðə fɑːr ˌiːst}
Here and there	{hɪəˈænd ðeə}
The chair is at door	{ðə tʃeəɪs ət dɔː}
My ear is red	{maɪ ɪəɪz red}


[r] ундоши ўзидан олдин келган ундош товуш билан биргаликда талаффуз этилади. Агар [r] дан олдин келган ундош жарангсиз бўлса, [r] ундоши бир оз жарангсизлашади. [r] товуши ўзидан олдин келган ундош товуши билан артикуляция жиҳатида мослашади: {dr, fr, br, pr, tr}.

Бундай талаффуз мослашуви одатда ассимиляция деб юритилади.

## 23- машк.

[greɪn]	grain	— ғалла
[kraɪ]	cry	— бакирмоқ
[breɪn]	brain	— ақл, хаёл
[dri:m]	dream	— хаёл
[freɪm]	frame	— мактамоқ

[grɑ:s]	grass	— майса ўт
[kræk]	crack	— дарз кетиш
[braɪd]	bride	— келин
[dres]	dress	— кийим
[fri:]	free	— озод, бўш
[preznt]	present	— хозир бўлмоқ



[ɔ] фонемаси. [ɔ] фонемаси тил орқа, қуйи кўтарилиш (очик) кучсиз лабланган киска унлидир. [ɔ] унлисининг талаффузиди тил орқага йўналади, тил учи олд тишлардан узоқлашиб, жағ анча пастга тушади. Лаблар кучсиз ҳаракат қилади, бироқ олдинга чўччайиб чикмайди. Инглиз [ɔ] товуши ўзбекча (o) товушига бир оз ўхшаш бўлса-да ўзбек (o) товуши ўрта чўзиқликдаги, кескин талаффузга эга бўлмаган товушидир.

[ɔ] товуши ёзувда [r] дан бошқа ҳар қандай ундошга тугаган ёпик бўгиндаги “o” ҳарфи билан ифодаланади. Ёпик бўгинда “w” ҳарфидан кейин келган “a” ҳарфи ҳам [ɔ] деб ўкилади:

watch	[wɔtʃ]	— соат
want	[wɔnt]	— хохламоқ, истамок

## 24- машк.

soft	soft	bɔb	Bob
sɔk	sock	kɔbweb	cobweb
[lɔt]	lot	[dɔl]	doll
[fɔg]	fog	[hɔt]	hot
[dɔt]	dot	[klɔk]	clock

## 25- машк.

pɑ:t — pət	part — pot	dɑ:t — dət	dart — dot
kɑ:t — kət	cart — cot	fɑ: — wət	far — what


## 26- машк.

dog	[dɔg]	— ит	not	[nɔt]	— йўқ, эмас
fox	[fɔks]	— тулки	doll	[dɔl]	— кўғирчоқ
pot	[pɔt]	— қозон			



*Эслатма:* Х х [eks] харфи [ks] деб ўқилади. Урғули бўғинда икки унли ўртасида келган х харфи [gz] деб ўқилади: exam [ig'zæam]. Бу ҳолда биринчи бўғин х харфи таъсирида ёпик бўғинга айланади.

[ɔ:] **фонемаси.** [ɔ:] фонемаси тил орқа, қуйи кўтарилишнинг тор кўринишидаги (ярим очик), чўзик, кучли лабланган унлидир. [ɔ:] товушининг талаффузида тил орқага йўналади. Тилнинг орқа қисми юмшоқ танглайга бир оз кўтарилади. Лаблар думалокрок ҳолатни эгаллайди, бироқ олдинга чўччайиб чикмайди, жағ пастга туширилади.



[ɔ:] товушининг талаффузи яқунлангунча нутқ органларининг ҳолатини ўзгартирмаслик керак. Акс ҳолда, бошқа унли товуш келиб чиқади. Ўзбек тилида бундай ўнли товуш йўқ.

27- машк.

tɔ:	tore	wɔ:k	walk	pɔ:t	port
bɔ:	bore	fɔ:l	fall	kɔ:z	cause
kɔ:n	corn	tɔ:l	tall	lɔ:n	lawn
kɔ:l	call	tɔ:t	taught	fɔ:lt	fault

Инглиз ёзувида [ɔ:] товуши қуйидагича ифода этилади:

1. Урғули бўғинда “**or**” харфлар бирикмаси орқали:

corn [kɔ:n] — дон, or [ɔ:] — ёки

2. **all** ундош харф билан:

tall [tɔ:l] — баланд, salt [sɔ:lt] — туз, walk [wɔ:k] — юрмоқ.

*Эслатма:* Ik харфи бирикмаси [k] деб ўқилади.

3. **Au, aw** диграфлари билан:

saw [sɔ:] кўрди, pause [pɔ:z] пауза

28- машк. Қуйидаги сўзларни талаффузига эътибор беринг:

born — barn — bottle  
horn — heart — hot

talk — lark — pot  
dawn — darn — dock

Қуйидаги сўзлардаги чўзик монофтонглارни ўқилишини машк қилинг:


[a]	ar:	dark	hard, marble
	ass:	pass	cast, calf
	ast:	past	calves grass
	alf:	half	sharp
	uar:	guard	

[ɔ:]	ore: more	or, port, pot
	or: nor	wall, ball, hall
	all: tall	malt, taught
	alt: salt	talk, chalk
	augh: caught	law, saw, because
	alk -- walk	autumn, August
	aw -- law	four, mourning
[ə:]	ause -- cause	oard -- board
	er: here	herd, term
	ir: bird	stern, Birmingham
	ur: turn	turm, worm,
	yr: Byrd	worse, worst
w+or: word	firm, purr, word	

### ЕТТИНЧИ ДАРС

[ʃ] ва [ʒ] фонемалари тил олди, шовкинли сирғалувчи ундошлардир. [ʃ] товуши жарангсиз ва [ʒ] — жаранглидир.

[ʃ] ва [ʒ] товушларининг талаффузида тил олди қисми каттик



танглай томон кўтарилади. Натижада бу ундошлар бир оз юмшок талаффуз этилади. Ўзбек тилидаги (ш) ва (ж) ундошлари инглиз тилидаги талаффуздан янча юмшокдир. Езувда [ʃ] товуши “sh” ҳарфлари бирикмаси билан берилади. Масалан: shop [ʃɒp] — магазин, ship [ʃɪp] — кема.

[ʒ] товушини “s” ҳарфи-sion, sure ҳарф бирикмаси составида ифода этади. Масалан: division [dɪ'vɪʒn] дивизия, leisure [ˈleɪzə] — бўш вақт.

29- машқ.

[ʃi:p]	sheep	[dæʃ]	dash
[ʃaɪ]	shy	[wɪʃ]	wish
[ʃɒk]	shock	[wɒʃ]	wash
[ʃəʊ]	show	[bʊʃ]	bush
[ʃɒp]	shop	[fɪʃ]	fish
[ʃu:]	shoe	[hʌʃ]	hush
[ʃɒt]	shot	[kæʃ]	cash
[meʒə]	measure	—	ўлчов
[pleɪzə]	pleasure	—	ором, роҳат
[treɪzə]	treasure	—	ўлжа, хазина
[leɪzə]	leisure	—	бўш вақт
[vɪʒən]	vision	—	кўриниш
[ɪnveɪʒən]	invasion	—	босиб олиш
[kən'fju:ʒən]	confusion	—	аралаштириш

## ИНТОНАЦИЯ

Нутк жараёнида овоз оҳангининг жумла ургуси ва бошка хусусиятлар таъсирида кўтарилиши ва пасайишига *интонация* дейилади. Интонация гапнинг маъносини шакллантиради. Интонацияга кўра гаплар шодлик, ғазаб, афсус ва бошка маъноларга эга бўлади.

Интонация гапнинг лексик таркиби ва грамматик тузилиши билан узвий боғлиқдир. Интонацияни яхши ўзлаштириб олиш учун нутк оҳанги (мелодика), талаффуз кучи (суръат), хис-ҳаяжон (тембр) ва ритми билиш зарур.

**Мелодика.** Мелодика нутк оҳангининг гапдаги ҳар хил бўғинларда давомий ўзгаришидир. Нутк оҳангининг жумладаги охириги бўғинда пасайиши ва кўтарилиши сўзловчининг мақсади ва хис-ҳаяжонини ифодалашга хизмат қилади. Инглиз ва ўзбек тилларида оҳангнинг икки тури мавжуд: фикрнинг тугалланганини билдирувчи пасаювчи оҳанг ва фикрнинг тугалланмаганлигини ифодаловчи кўтарилувчи оҳанг. Тасдиқ ва хоҳишни билдирувчи дарак гаплар пасаювчи оҳанг билан талаффуз этилади. Бироқ инглиз тилида пасаювчи оҳанг ўзбек тилидагидан анча кучли ҳисобланади.

**Урғу ва ритм.** Сўз ва жумладаги урғули ва урғусиз ҳамда чўзиқ ва қисқа бўғинларнинг давомий равишда алмашиб туришига *ритм* дейилади. Урғусиз бўғинлар урғули бўғинлар орасида қанчалик кўп бўлса, шунчалик тезлик билан талаффуз этилади. Масалан: Give it. Give it to me, please.

Урғусиз бўғинлар, одатда, кўшни урғули бўғинларга кўшиб талаффуз этилади. Чунки урғусиз бўғинлар урғули бўғинга кўшилиб, бир ритмик бирликни ташкил этади.

**Синтагма ёки маъно гуруҳи.** Таркибига кўпгина сўзларни камраб олувчи ёйиқ гаплар, одатда, маъно гуруҳига бирлашган сўзларга бўлинади. Бундай сўзлар гуруҳи ёки бир сўзга *маъно гуруҳи* ёки *синтагмалар* дейилади.

Маъно гуруҳлари бир-биридан мелодиканинг ўзгариши (оҳангнинг пасайиши ва кўтарилиши) ва пауза билан чегараланади. Паузанинг чўзиқлиги кўшни келган синтагманинг зарурлигига ва маъно жиҳатдан мустақил бўлишига боғлиқ. Кўпинча синтагма тўла бир гапга ҳам тўғри келади. Синтагмага бўлиниш / белгиси билан кўрсатилади:

1. I study at the Institute/

(бир синтагма бир гапга тўғри келади)

2. On Sunday/ I don't go to the Institute/

(Биринчи синтагма On Sunday дан кейин қисқа пауза берилади.)

Ўзбек тилида гапни синтагмаларга бўлиш ҳам юқоридаги принцип асосида олиб борилади. Бироқ бунда қисқа пауза гапдаги эгадан кейин бўлади. Чунки ўзбек тилидаги сўзлар тартибига кўра эгадан кейин кесим эмас, балки иккинчи даражали бўлақлар келади.

Мисол: Азиз янги мактабга боради.

Мадина дарсда тез-тез жавоб беради.


[h] **фонемаси.** [h] фонемаси бўғиз, шовкинли, сиргалувчи жарангсиз товушдир. Енгил шовкин билан бўғиздан чиққан хаво оғиздан ўтади. Бу товушнинг талаффузида тил иштирок этмайди, нутк органлари жуда кучсиз ҳолатда бўлади. Инглиз тилидаги [h] товуши ўзбек тилидаги [h] дан ҳам майинроқ талаффуз этилади. Ёзувда [h] товушни **h** [eɪtʃ] харфи билан берилади.

30- машк.

hen	hen	hænd	hand	æd	hæd	add	—	had
həp	hɒp	hæt	hat	aɪ	haɪ	I	—	high
hæpɪ	happy	hʌt	hut	ɒd	hɒt	odd	—	hot

[j] **фонемаси.** [j] фонемаси тил олди, юмшоқ (палатал) сиргалувчи товушдир. [j] товушининг талаффузида тилнинг олди қисми ўзбек тилидаги (й) дан кўра камроқ кўтарилади. Хаво оқими тил ва таңглай ўртасидаги кенг ораликдан ўтади. Шовкин деярли сезилмайди.

Ёзувда [j] товуши **y** [waɪ] харфи билан берилади. Бу харф сўз бошида [j] товуши билан ўқилади, сўз ўртаси ва охирида **ll** харфи қандай ўқилса, шундай талаффуз этилади. Масалан: yes [jes] — ха, myth [mɪθ] — миф, уйдирма, baby [beɪbɪ] — чакалоқ.




31- машк.

jen	yen	jʌŋ	young
jel	yell	jæd	yard
jes	yes	ji:ld	yield
jɔ:	youg	jə:	year

*Эслатма:* ie харфлар бирикмаси ургули бўғинда [i] ўқилади. Масалан: field [fi:ld].

[u] — **фонемаси.** [u] фонемаси тил орқа, лекин олдинга йўналган юкори кўтарилишдаги лабланган, қиска унлидир. [u] товушининг талаффузида тил орқага ва юкорига йўналади. Тил учи пастки тишлардан узоқлашади. Бу товуш талаффузида лаблар ҳам иштирок этиб, улар думалок ҳолатни эгаллайди, лекин олдинга чўччайиб чиқмайди. Ўзбек тилидаги [u] унлиси эшитилиши жиҳатидан инглизча [u] га бир оз ўхшайди. Аммо ўзбекча (y) нинг талаффузида лаблар бир оз олдинга силжийди. Ёзувда “oo” диграфидан кейин




“k” харфи келганда [u] товушини беради. Масалан: book [buk] — китоб, hook [huk] — илгак. Лекин бир қатор мустанасно сўзларда “oo” дан кейин “k” харфи келмаса ҳам [u] товуши билан ўкилади. Уларни ёдда сақлаш керак.

good [gud] — яхши, wood [wud] — ўрмон, hood [hud] — капюшон, wool [wul] — жун, soot [sut] — қорақуя, groon [grum] — отбоқар, stood [stud] — ўриндан турмоқ (ўтган замон шакли), room [rum] — хона, уй, foot [fut] — оёқ.

### 32- машқ.

tuk	took	wud	wood
fuk	shook	grum	groom
tuk	took	wud	wood
fuk	shook	grum	groom

Агар “oo” диграфидан кейин “k” дан бошқа ундош ҳарф келса у [u:] товушини беради. [u:] фонемаси чуқур тил орқа, юқори кўтарилишдаги лабланган, чўзик, дифтонглашган унлидир. [u:] товушини талаффуз этишда тил орқага тортнади ва анча юқори кўтарилади. Бу товуш чўзик ва кучли талаффуз этилади. Лаблар ҳаракатланса ҳам, лекин илгари силжимади. [u:] дифтонглашган товуш ҳисобланади.



Чунки унинг талаффузида тилнинг орқа қисми аввал орқага ва юқорига йўналиб, сўнгра бир оз олдинга силжийди.

Инглиз [u:] товуши ўзбек (y) товушидан кўра анча чўзик ва чуқур тил орқа унлидир. Ўзбекча (y) товушининг талаффузида лаблар бироз илгари силжийди, инглиз тилида эса [u:] талаффузида бу ҳолат содир бўлмайди.

“oo” диграфи сўз охирида келганда ва сўз “k” дан бошқа ундошга тугаганда [u:] бўлиб ўкилади. Масалан: zoo [zu:] — ҳайвонот боғи, food [fu:d] — озиқ-овқат, too [tu:] — ҳам. Ундан ташқари [u:] товушини U u ҳарфи [r, l, ʃ, dz, z] товушларидан кейин келганда ва шунингдек “eu, ew, ue, ui” ҳарф бирикмалари ҳам [u:] ўкилади. Масалан: rule [ru:l] — қоида, plume [plu:m] — пар, перо, June [dʒu:n] — июнь, grew [gru:] — ўсди. Лекин U u ҳарфи ва юқоридаги кўрсатилган ҳарф бирикмалари аслида [ju:] бўлиб ўкиладилар. Масалан:

duty	[dju:tɪ]	— навбатчи	new	{nju:}	-- янги
feudal	{fju:dəl}	— феодал	suit	{sju:t}	-- костюм

### 33- машқ.

du:	dʊ	dju:	dew	kju:t	cute
tu:	two	fju:	few	fju:d	feud
tu:l	tool	sju:	sew	pə'fʊ:m	perfume
su:n	soon	nju:	new	dju:tɪ	duty



[ə] **фонемаси.** [ə:] фонемаси аралаш қатор (тилнинг олд ва орқа қисми туташган қисми) тил ўрта кўтарилишидаги ярим ёпик, лабланмаган, чўзик унлидир. [ə:] товушининг талаффузида тил ясси ҳолатда бўлиб, учи олдинги пастки тишларга тегиб туради. Лаблар бир оз чеккага тортилади. Ўзбек тилида бундай товуш йўқ. Ёзувда [ə:] товуши e, i, y, u + r бирикмаларида ва бошқа ундошга тугаган ҳолатларда қўлланади.

Масалан:

her [hə:] -- уни, унга  
 girl [gə:] -- киз бола  
 turn [tə:n] -- навбат  
 Byrd [bə:d] -- Бэрд (исм)

“or” ҳарфлари бирикмаси [w] товуши таъсирида [ə:] бўлиб ўкилади. Масалан: work [wə:k] — иш.

34- машқ.

ə:	er	kæt	curt	get — gə:l	get — girl
fə:	fir	stæn	stern	wet — wə:l	wet — whirl
sə:	sir	bə:n	burn	bed — bə:d	bed — bird
stə:	stir	lə:n	learn	net — nə:s	net — nurse
slə:	slur	pəl	pearl	ten — tə:n	ten — turn

### III ТУР БЎҒИН

III тур бўғини ёпик бўғин бўлиб, у “r” ҳарфига тугаши ёки “r” ҳарфидан кейин истаган ундош ҳарф келиши мумкин. Агар сўз “r” ҳарфига тугаса, у фонетик жиҳатдан очик бўлади, чунки “r” ҳарфи ўқилмайди. Масалан: bar [bɑ:] — бар, ёки “r” дан кейин ундош ҳарф келса, ёпик бўлади. Масалан: sharp [ʃɑ:p] — ўткир. «a» ҳарфи III тур бўғинида [w] товуши таъсирида [ə:] деб ўкилади. Масалан: wagon [wə:n], wagon [wɑ:n].

“o” ҳарфи эса III тур бўғинида [w] таъсирида [ə:] деб ўкилади. Масалан: work [wə:k].

Урғусиз III тур бўғинда ҳамма унлилар каттик редукцияга учраб [ə] товуши билан ўкилади. [ə] унлиси аралаш қатор ярим очик, қиска лабланмаган факат урғусиз бўғинда учрайдиган товушдир. Бу товуш талаффузида тилнинг марказий қисми каттик танглайга бир оз кўтарилади. Тил учи пастки тишларга тегади. Бу товуш урғусиз ҳолатда унлилар талаффузининг кучсизлашуви, яъни редукциянинг маҳсулидир.

**Редукция.** Унли товушларнинг урғусиз бўғинда қискартиб, кучсизланиб талаффуз этилишига *редукция* дейилади. Инглиз тилида редукциянинг қуйидаги турлари мавжуд.

**Сифат редукцияси.** Урғусиз ҳолатда сифат редукциясига уч-

раган юмшок унлилар [ɪ] товушини (city [ˈsɪtɪ]), каттик унлилар [ə] товушини (adopt [əˈdɒpt]) ифодалайди.

**Микдор редукцияси.** Микдор редукциясида чўзик монофтонглар ўз чўзиқлигини қисман йўқотади: he [hi·], me [mi·].

**Тўлиқ редукция.** Инглиз тилида **l**, **m** ёки **n** ҳарфидан олдинги урғусиз унли ҳарф одатда ўқилмайди: cotton [kɒtn], lesson [lesn], sudden [sʌdn], freedom [fri:dm].

**Редукциянинг айрим ҳоллари.** **e** ҳарфи **nt**, **pse** ҳарф бирикмаларидан олдин редукцияга учраганда [ə] товушини ифодалайди: silent [saɪlənt], silence [saɪləns].

**i** ҳарфи **ble** ҳарф бирикмасидан олдин келганда [ə] товушини ифодалайди: possible [ˈpɒsəbəl], responsible [rɪsˈpɒnsəbəl].

**a** ҳарфи урғусиз очик бўғинда [ɪ] товушини ифодалайди: climate [ˈklaɪmɪt], luggage [ˈlʌɡɪdʒ].

Редукциянинг бўлмаслиги очик бўғинда келган **i**, **u** ҳарфлари ҳамда сўз охирида келган **o** ҳарфи редукцияга учрамайди: identic [aɪˈdentɪk], unite [juˈnaɪt], motto [ˈmɒtəu].

## Артикль

Инглиз тилида отлардан олдин ёрдамчи сўз — артикль (ноаник ва аник артикль) қўлланади.

**Ноаниқ артикль.** Ноаниқ артикль one [wʌn] сўзидан келиб чиқиб, у саналадиган отлар олдида бирликда ишлатилади. Ноаниқ артикль икки хил ёзилишга эга: 1) “**a**” [ə] ундош ҳарф билан бошланадиган отлар олдида: a book [əˈbʊk] — китоб, a pen [əˈpen] — ручка; 2) “**an**” [ən] унли ҳарф билан бошланадиган отлар олдида: an apple [ənˈæpl] — олма, an ant [ənˈænt] — чу-моли.

**Аник артикль.** Аник артикль “that” сўзидан келиб чиқиб, у маълум шахс, предмет ҳақида гап кетганда ишлатилади. У бир хил ёзув, лекин икки хил ўқиلىшга эга: 1) “**the**” унли ҳарф билан бошланадиган отлар олдида [ðɪ]: the act [ðɪˈækt] — парда (театр), the end [ðɪˈend] — охири; 2) “**the**” ундош ҳарф билан бошланадиган отларда [ðə] бўлиб ўқилади: the map [ðəˈmæp] — карта, the cat [ðəˈkæt] — мушук.

35- машк.

ə net	a net	ən	ɒks	an	ox
ə hæʔ	a hat	ən	eg	an	egg
ə fɔ:m	a form	ən	æpl	an	apple
ə kɔ:n	a corn	ən	ækt	an	act
ə bʊk	a book	ən	end	an	end

This is a book. It is a thick book. This is an apple. It is a red apple.  
Put the pencil on the table. Bring me the chair.

There is an ink stand on the writing table.

There is a bench in the garden. The bench is painted.

ðə tent	the tent	ðɪ	ɪŋk	the ink
ðə teɪbl	the table	ðɪ	ˈɒfɪs	the office

ðə rum	the room	ði 'end	the end
ðə bæɡ	the bag	ði 'ækt	the act
ðə tʃeə	the chair	ði infə'meiʃn	the information

## ТОНОГРАММА

Инглиз тилидаги гапни тўғри талаффуз қилиш учун тонограммадан фойдаланилади. Тонограмма икки параллел чизик        орасига қўйиладиган белгилардан иборат бўлади. Тонограммада ургули бўғин тире (—), ургусиз бўғин нукта (.), кўтарилувчи интонация юқорига йўналган стрелка (↗), пасаювчи интонация пастга (↘) йўналган стрелка белгилари билан кўрсатилади.

## САККИЗИНЧИ ДАРС

[tʃ], [dʒ] фонемалари. [tʃ] ва [dʒ] фонемалари палато-альвеоляр (апикал-дорсал) портловчи-сирғалувчи-аффрикат ундош товушлардир. [tʃ] — жарангсиз, [dʒ] — жарангли товушдир.

[tʃ] аффрикатиининг талаффузида тил учи альвеолларга [t] товушидагидек теккизилади, тил ўрта қисми эса каттик танглайга кўтарилади. Хаво оқими тил учининг альвеоллардан узоқлашуви натижасида ҳосил бўлган тор ораликдан ўтади. Товуш пайчалари титрамайди. [dʒ] ундоши ҳам худди шундай талаффуз этилади. Бирок [dʒ] нинг талаффузида товуш пайчалари титрайди. Юқорида айтиб ўтилганидек, [tʃ] ва [dʒ] ундошлари аффрикатлардир.

Портловчи ва сирғалувчи ундошнинг бирикувидан ҳосил бўлган, бўғин чизиғи билан ажратилмайдиган, яхлит талаффуз қилинувчи икки ундош товуш бирикмаси *аффрикат* дейилади.

[tʃ] ва [dʒ] аффрикатларнинг биринчи элементи [t] ва [d] портловчи ундошлар, иккинчи элементи [ʃ] ва [ʒ] эса сирғалувчи ундошлардир. Аффрикат товушнинг ҳар икки элементининг орасига ҳеч қандай товуш аралаштирмай, яхлит бир товушдек талаффуз этилади. Ёзувда [tʃ] аффрикати **ch** ва **tch** ҳарфлари бирикмаси билан берилади: cherry [tʃeri] — олча, cheap [tʃi:p] — арзон, watch [wɒtʃ] — соат, French [frentʃ] — француз тили.

[dʒ] товуши ёзувда **J j** ҳарфи ва **e, i, u** унлилардан олдин келган “**g**” ҳарфи орқали берилади.

job	[dʒɒb]	— иш,	huge	[hju:dʒ]	— улкан
joke	[dʒoʊk]	— ҳазил	large	[lɑ:dʒ]	— катта
passenger	[pæsɪndʒə]	— йўловчи	jail	[dʒeɪl]	— зиндон

*Эслатма:* а, о, у унли ҳарфлардан олдин келган “**g**” ҳарфи доимо [g] деб ўқилади: garden [gɑ:dn] боғ, gold [gəʊld] олтин.



Бирок “g” харфи кўпгина сўзларда i, e, y харфлардан олдин ҳам [g] деб ўқиладигани: girl [gɜ:l] киз бола, begin [bi'gin] бошламоқ.


Ундошлардан олдин ва сўз охирида келган “g” харфи доимо [g] деб ўқилади: glad [glæd] хурсанд, frog [frɒg] бака, grass [græs] ўт, майса.

36- машқ.

tʃɪkɪn	— chicken	dʒɪmnæst	— gymnast
tʃaɪld	— child	dʒænjuəri	— January
tʃɔps	— chops	bʊtʃə	— butcher
tʃeɪndʒ	— change	lɑ:tʃ	— larch
dʒæm	— jam	tʃə:tʃ	— church
dʒɪm	— Jim	wɪtʃ	— which
dʒɪpsɪ	— gipsy		

### [ŋ] ФОНЕМАСИ.

[ŋ] фонемаси. [ŋ] фонемаси тил орқа, веляр, портловчи, бурун сонантидир. [ŋ] товушининг талаффузида тил орқа қисми юмшоқ танглайга кўтарилади, юмшоқ танглай пастга тушади ва



ҳаво бурун бўшлиғи орқали ўтади. Товуш пайчалари титрайди. Инглизча [ŋ] ўзбекча (нг) харфлар бирикмасининг талаффузига бир оз ўхшашир.

Инглиз тилидаги [ŋ] ва [ŋ] сонантларини бир-биридан фарқлаш керак. [ŋ] тил олди альвеоляр, [ŋ] эса тил орқа, веляр товушлардир. Ёзувда [ŋ] сонанти қуйидагича берилди:

1. “ng” харфлар бирикмаси билан:

strong	[strɒŋ]	— кучли	sting	[stɪŋ]	— чакмоқ
thing	[θɪŋ]	— нарса	among	[ə'mʌŋ]	— орасида
wing	[wɪŋ]	— қанот	evening	[i:vniŋ]	— кечкурун

2. [ŋ] товуши “k” харфидан олдин келган “n” харфи билан:


pink	[pɪŋk]	— пушти ранг	bank	[bæŋk]	— банк
drink	[drɪŋk]	— ичмоқ	sink	[sɪŋk]	— чўкмоқ

Эслатма: 1. Феъл бўлмаган сўзлар ўртасида келган “ng” харф бирикмаси [ŋg] деб ўқилади: English [ɪŋglɪʃ], language [læŋgwɪdʒ].

2. “n” харфидан олдин келганда “k” харфи талаффуз этилмайди: knife [naɪf], know [nou].

## 37- машк.

hæŋ — hang	'sʌmθɪŋ — something	θɪn — θɪŋ thin — thing
kɪŋ — king	'mɔ:nɪŋ — morning	bæn — bæŋ ban — bang
bæŋ — bang	'æŋgrɪ — angry	wɪn — wɪŋk win — wink
tʌŋ — tongue	'lʊkɪŋ — looking	sɪn — sɪŋk sin — sink



[ʌ] — фонемаси. [ʌ] фонемаси — бир оз олдинга йўналган, тил орқа пастки кўтарилишдаги (ярим очик), лабланмаган, киска кучсиз унли товушдир. [ʌ] товушининг талаффузида тил орқага тортилиб, тил учи пастки олд тишларга якинлашади, тил орқа қисми бир оз кўтарилади. Лаблар бир оз чеккага тортилади.

Инглиз [ʌ] товуши ўзбек (а) товушидан анча қискаротқидир. Ёзувда [ʌ] товуши ёпик урғули бўғинда “u” ҳарфи билан берилади:

run	[rʌn]	— югурмок	dust	[dʌst]	— чанг
sun	[sʌn]	— қуёш			

## 38- машк.

kʌp	cup	bʌn	bun	mʌtʃ	— mɔ: much—more
hʌt	hut	dʒʌst	just	kʌt	— kæt cut—cart
bʌg	bug	lʌntʃ	lunch	bʌn	— bæn bun—barn

Қуйидаги сўзлардаги монофтонг товушлар талаффузига эътибор беринг.

[ɪ]	{ i in ui build age luggage ate climate	[e]	{ e pen ea bread ai said ur bury	[ʌ]	{ u us oo blood
[u]	oo look	[ɔ]	{ o lot a want	[æ]	a as

### [θ], [ð] ТОВУШЛАРИДАН ОЛДИН КЕЛГАН УНДОШЛАРИНИНГ АССИМИЛЯЦИЯСИ

[θ], [ð] тиш оралиғи товушларидан олдин келган [t], [d], [n], [l] товушларини талаффуз қилишда тил учи танглайга эмас, балки юқори олд тишлар қиррасига теккизилади.

## 39- машк.

welθ	wealth	ɪn	ðəm	in	them	wɒnt	ðɪs	want	this
helθ	health	ɒn	ðɪs	on	this	hæd	ðæt	had	that
tenθ	tenth	wɪl	ðə	will	the	wɒt	ðeɪ	what	they
mlnθ	month	kʌt	ðəm	cut	them	ænd	ðə	and	the

[ð] товушидан олдин келган [t] товуши жарангли талаффуз қилинмайди, [θ], [ð] тиш оралиғи товушдан олдин келган [s], [z] сирғалувчи ундош товушларни талаффуз қилишида тил учини юкори олд тишлар қиррасига яқинлаштириш ва уни дарҳол тиш оралиғи товушини талаффуз қилиш ҳолатига ўтказиш лозим. Бунда сирғалувчи [s], [z] ва тиш оралиғи [θ], [ð] товушлари ўртасида ҳеч қандай унли товуш қўйилмаслиғи лозим.

Олдинги товушнинг кейинги товуш артикуляциясига таъсири прогрессив ва аксинча, кейинги товушнинг олдинги товуш артикуляциясига таъсири регрессив ассимиляция дейилади. Масалан: try [traɪ] (ҳаракат қилмок) сўзида жарангсиз [t] ундоши таъсирида [r] товуши жарангсизлашади, ninth [naɪnθ] сўзида [n] товуши ўзидан кейин келган [θ] таъсирида тиш ундоши каби талаффуз этилади.

40- машк.

hæz	ðɪs	has this	wəz	ðæt	was that	
hæz	ðæt	has that	wɪð	ðem	with them	
ɪz	ðɪs	is this	ðɪs	θɪn	book	this thin book
ɪz	ðæt	is that	wɒts	ðæt	what's that	

### ТЎҚҚИЗИНЧИ ДАРС

1. 13—100 сонларининг ўқилиши.
2. Тўртинчи тур бўғинда унлиларнинг ўқилиши.
3. Эмфатик интонация. Машклар. Текст.

### 13—100 ГАЧА БЎЛГАН САНОҚ ВА ТАРТИБ СОНЛАРНИНГ ЎҚИЛИШИ

Инглиз тилида 13 дан 19 гача бўлган санок сонлар **-teen** қўшимчасини кўшиш билан ясалади. **-teen** қўшимчасининг ўзи урғули бўлгани учун 13—19 гача бўлган санок сонлар иккита асосий урғуга эга бўлади:

13— thirteen	['θæ'ti:n]	17— seventeen	['sevn'ti:n]
14— fourteen	['fɔ:tɪ:n]	18— eighteen	['eɪ'ti:n]
15— fifteen	['fɪf'ti:n]	19— nineteen	['naɪn'ti:n]
16— sixteen	['sɪks'ti:n]		

His number in the team was thirteen.

[hɪz'nʌmbə ɪn ðə'tɪm/wəz'θæ'ti:n]

Aziza has brought thirteen balls.

[ʌzɪ'zɑ hæz'brɔ:t 'θæ'ti:n bɔ:lz]

Ozoda always sits in the thirteenth row.

[ɔzɔdɑ'ɔ:lwɪz sɪts ɪn ðə'θæ'ti:nθ rou]

Her race arrives after thirteen.

[hə'reɪs ə'raɪvz 'ɑftə 'θæ'ti:n]

Оғзаки нутқда ритм таъсирида урғуларнинг бири тушиб қолиши мумкин. Агар икки урғули сон олдида урғули сўз келса,

биринчи урғу (Room fifteen [rum fif'ti:n]) агар урғули сүз сондан кейин келса, иккинчи урғу ('sixteen students ['siks:ti:n 'stju:dənts]) тушириб колдирилади. 20 дан 100 гача бўлган ўнлик санок сонлар ўнликларга **-ty** кўшимчасини кўшиш билан ясалади. **-ty** кўшим-часи урғусиз хисобланади.

20— twenty ['twenti]	70— seventy ['sevnti]
30— thirty ['θə:ti]	80— eighty ['eiti]
40— forty ['fɔ:ti]	90— ninety ['nainti]
50— fifty ['fifti]	100— a (one) hundred ['hʌndrəd]
60— sixty ['siks:ti]	

Икки рақамли сон ўнликнинг ёнига бирдан тўққизгача бўлган сонни кўйиш билан ясалади:

25— twenty-five	'twenti 'faiv
38— thirty-eight	'θə:ti 'eit
46— forty-six	'fɔ:ti 'siks

Тартиб сон санок сонга — **th[θ]** кўшимчасини кўшиш билан ясалади, бунда тартиб сон олдида аниқ (the) артикль қўлланилади:

20— the twentieth [ðə'twentiθ]
21— the twenty-first [ðə'twenti'fə:st]
22— the twenty-second [ðə'twenti'sekənd]

*Эслатма:* 1. Агар отдан кейин рақамни кўрсатувчи сон келса, отдан олдин артикль ишлатилмайди: Page — 56-бет, Room — 34-хона.

2. Телефон номерларни қуйидагича ўқилади: 34—46—56 — three four, four six, five six.

Агар телефон номерини биринчи рақами ва охириги сонни бир хил бўлса, бунда double деган сўз қўлланилади: 77—18—55 double seven one eight double five.

Агар телефон номерининг ўртасидаги рақам хил бўлса, double сўзи қўлланилмайди. 36—88—24 three six eight eight two four.

Ноль рақами [ou] деб ўқилади: 45—08—50 four five o [ou] eight five o [ou]. Яхлит сонлар (3000, 4000) three thousand, four thousand тарзида ўқилади.

3. Уй, квартира, автобус, троллейбус, трамвай ҳамда саҳифа, боб, машқлар номерини белгилаганда, санок сон қўлланилади. Киёсланг:

Еттинчи трамвай — Tram 7 ['træm 'sevn]

Йигирма саккизинчи автобус — Bus 28 ['bʌs'twenti 'eit]

Олтинчи машқ — Ex. 6 ['eksəsəiz 'siks]

Унинчи боб — Chapter X ['tʃæptə 'ten]

Бунда отлар артикльсиз қўлланилиб, иккала сўз ҳам бош харф билан ёзилади: Go to Room Thirty ['gou tə 'rum θə:ti].

#### УНЛИ ҲАРФЛАРНИНГ IV ТУР УРҒУЛИ БЎҒИНДА ЎҚИЛИШИ

**г+е** харфига тугаган бўғинга IV тур бўғин дейилади. IV тур урғули бўғинда «а» харфи [eə] товуши билан ўқилади:

care [kæə]	prepare [pri'reə]
fare [fæə]	rare [ræə]
mare [mæə]	

«о» харфи эса IV тур урғули бўғинда худди III тур бўғинда-гидек [ɔ:] деб ўкилади:

more [mɔ:]	story [stɔ:ri]
fore [fɔ:]	store [stɔ:]

IV тур бўғинда “u” харфи икки хил ўкилади. Агар “u” харфидан олдин [tʃ, ʃ, r, l, z, dʒ] товушлари келса [uə], бошқа ҳолларда эса [juə] деб ўкилади:

sure [ʃuə]	cure [kjua]
	pure [pjua]

“e” харфи IV тур бўғинда [iə] дифтонги билан ўкилади:

here [hiə]	merely [miəli]
sincere [sɪnsiə]	

*Эслатма:* there [ðeə], where [weə], were [wə:] сўзлари коидадан мустасно ҳисобланади.

“i” ва “y” харфлари IV тур урғули бўғинда [aiə] трифтонг (учта элементдан ташкил топган) товуши билан ўкилади:

tire [taiə]	fire [faɪə]
tyre [taiə]	lyre [laɪə]
hire [haɪə]	

Бундан ташқари [eə] товуши билан қуйидаги харф бирикмалари ўкилади:

1. **air** [eə], chair [tʃeə], fair [feə].
2. **ear:** bear [beə], tear [teə], wear [weə].  
[iə] товуши билан эса, қуйидаги харф бирикмалари ўкилади:
  1. **eer:** deer [diə], sheer [ʃiə], beer [biə]
  2. **ear:** hear [hiə] dear [diə] near [niə]
  3. **ier:** pierce [piəs] pier [piə] fierce [fiəs]  
[aiə] товушини **-iar** харф бирикмаси ҳам беради: briar [braiə], diary [daɪəri].

IV тур урғули бўғинда **г** харфидан кейин “e” дан бошқа унли харф келса, “**г**” харфи [r] тарзда ўкилади.

#### ФОНЕТИК МАШҚЛАР

**41-машқ.** Қуйидаги дифтонг ва трифтонгларнинг талаффузига эътибор беринг. Улар орасидаги фарқни ажратинг.

fiə-feə	tai-taɪəd	kən-kɔ:n	pjuə-Suə
hiə-heə	lai-laiəri:t	kət-kɔ:t	kjuə-puə
miə-meə	wai-waɪəd	kɔp-kɔ:ps	ɪjuəl-ruəl
hiə-keə	ai-aɪən	pənd-pɔ:	ɟjuə-muə

Қуйидаги дифтонг ва трифтонг товушлар талаффузига эътибор беринг ҳамда улар ўртасидаги фарқни аниқланг.

[ɛə]	{	are	mare		[ɪə]	{	ere	here		[(j)uə]	{	ure	pure
		air	chair				ear	near				ew	.fewer
		ere	chere				eer	beer					

[aɪə]	{	uie	quiet		[auə]	{	our
		ire	hire				ower
		ure	tyre				
		iare	diary				
		io	riot				

42-машк. Қуйидаги сўзларни транскрипция қилинг:

dire, fair, mare, type, shore, hoarse, during, tyrant, clear, wear, near, rare, there, were

43-машк. Транскрипцияни харф билан ёзинг:

[mɜ:], [bɜ:], [fɛə], [fɑɪə], [luə], [puə], [sɪnsɪə], [mɛə], [kɛə], [hɪə], [pjuə], [stɜ:ri], [ˈtɑɪəɾənt], [tʃɪə], [fjuəɾɪəs], [ʃɪə], [fjuəri], [bɪə], [stɪə], [ɛə], [ɪnsˈpɑɪə].

44-машк. Сонларни харф билан ёзинг ва уларни транскрипция қилинг:

а) 85, 26, 13, 28, 96, 100, 72, 87, 34, 48, 50, 18;

в) 14-, 25-, 99-, 40-, 37-, 21-, 17-, 23-, 54-;

г) 5-автобус, 14-трамвай, 19-троллейбус, 15-боб, 22-машк, 65-бет;

д) 24—17—86; 28—00—15; 22—46—67; 48—02—60; 44—15—11; 21—21—21; 378—21—51; 378—19—56.

45-машк. Гапларни транскрипция қилиб, тонограммасини чизинг. Эмфатик интонацияга эътибор бериб гапларни ўқинг.

1. Who told you that? 2. Go to the shop! 3. There are four students in the group. 4. It's wonderful. 5. How are you going to take an exam in English? 6. He used to enjoy it. 7. What are you going to do about it? 8. It is not cheap. 9. You look lovely, my dear. 10. That student is an awful lazy-bones. 11. I saw clearly enough that I was not welcome. 12. It isn't exactly what I want.

46-машк. Таржима қилинг.

1. Хона қоронғи, деразани очинг. 2. Институтимиз, Чўпон ота яқинида жойлашган. У ерга 4, 9-трамвайлар ҳамда 2, 33, 70, 77-автобуслар боради. 3. Бу ердан денгиз қирғоғи кўринади. 4. Яна бир пиёла чой ичинг. 5. Қаерда яшайсиз? 6. Чарчадингизми?—Ха. 7. Телефон номерингиз неча?—44—26—02. 8. Дарсни тайёрлаб бўлгач, сенга бир қизик хикоя ва эртак айтиб бераман.

## УНИНЧИ ДАРС

Ўтилган товушлар талаффузини қайтариш. Унли товушларнинг бир-биридан фарқи. Жарангли ундош товушларнинг сўз охиридаги талаффузи. Ундов гапнинг интонацияси. Машқлар. Текст.

Инглиз тилида бешта чўзиқ унли товуш мавжуд. Бу чўзиқ товушларнинг доимий аломати унинг сифатида (кескинлигида) дир. Иккинчи аломати — уларнинг чўзиқлигидир. Чўзиқ унли [i:], [ɑ:] ва [ə:] товушлари лабланмаган. [ɜ:, u:] лар эса лабланган.

47-машқ.

[i: — ɪ]	[u: u]	[ɜ: — ə]
Pete — pit	chute — soot	pore — pot
least — list	pooh — put	core — cod
see — sin	coo — cook	law — want
bede — bid	pool — pull	awe — old
[æ — ʌ]	[ɑ: — æ]	[ə: — ə]
cat — cut	bard — bad	earn — an
map — mud	part — pat	earth — an ass
sand — son	art — apt	burn — banal
carrot — cunning	ask — ass	turn — a burn

### ЖАРАНГЛИ УНДОШ ТОВУШЛАРНИНГ СЎЗ ОХИРИДА ТАЛАФФУЗИ

Инглиз ундош товушлари, сўз охирида жарангсизлашмай кескин, тўлиқ талаффуз қилинади, чунки жарангли ундош жарангсизлашса, сўз маъноси ўзгариб кетади:

bad — bat	sad — sat	
ёмон — кўршапалак	ғамгин — ўтирмак (ўтган замон шакли)	

Ўзбек тилида жарангли ундош сўз охирида жарангсизланиши мумкин, бунда сўз маъноси ўзгармайди:


китоб — (к и т о б)  
канд — (қ а н т)

### УНДОВ ГАПНИНГ ИНТОНАЦИЯСИ


Ундов гапнинг интонацияси икки хил бўлиб, сўзловчининг айтилаётган фикрига боғлиқдир. Қарама-қарши фикр айтилаётган гапни кучайтириш учун одатда **пасайиб кўтарилувчи** [Rise-Fall] ёки **пасайиб-кўтарилиб-пасаювчи** (Rise-Fall-Rise) оханг қўлланилиши мумкин. Ундов гаплар тузилиши жиҳатидан бир неча хил бўлиши мумкин.

1. Дарак гап шаклида:

The film is interesting! Өә film iz ʔntristɪŋ!



2. How (қандай) сўзи билан бошланади. Унинг схематик шакли: **How+adj...** . How nice the girl is! hau nais Өә gә:lʔiz!




3. What (қанақа) сўзи билан гап бошланади. Унинг схематик шакли: **What+noun...** .

What a pleasant smile she ʔhas!

Эфматик талаффуз этилган ундов гаплар хайрон қолиш, шодлик, завқ-шавқ, кўрқув, нафратланиш, менсимаслик, ғазаб, шубҳаланиш, қизикиш ва шунга ўхшаш муносабат, кайфият ва хистуйғуларни ифода этади.

“How”, “what” билан бошланган ундов гаплар, одатда, **паст ёки баланд пасаяувчи** (Low ёки High Fall) оҳанг билан талаффуз этилади: 'What a lovely day! wәtә,lʔvli dei



Бу гапда хурсандчилик, шодлик ифодаланган.

#### TEXT

— Hallo, Bob!

— Hallo, Nick, how are you?

— I am well, thank you. How are you?

— The same.

— What is the matter?

— Oh, don't worry. Nothing is the matter. I've got two English books and I want you to come to my place and take one. “Myths and Legends”.

— What a good friend you are! Thank you. Its good of you. See you later.

**48-машк.** Read the dialogue before you start transcribing. Pay attention to marking stresses and tunes, intonation of Exclamatory sentences.

**49-машк.** Put the stresses of the following sentences and picture them on the staves.



1. How pleasant his voice is! 2. How large his family is! 3. What a nasty weather we are having! 4. How beautiful the nature is! 5. What an amusing thing it is! 6. The tea is not hot!

50-машк. Transcribe the following words:

tea, car, pork, lad, hid, as, water, worm, calm, dozen, blur, foot, rather, on, latter, fall, either, doctor, turn, fir, bullet, myth, bee, firm, colour.

51-машк. Write these in letters.

[ɑ:mɪ], [ɔ:l], [kʌk], [bʌd], {paɪðə}, {dʒʌst}, [ˈɔ:t(ə)m], [i:v], [læp], [ə'naɪ], [hæt], [sʌn] (2 words) [ɑ:nt], [ˈmɒtəʊ], [bi:m], [fə:ðə], [fæmɪli], [ə:n].

52-машк. Learn the sentences by heart:

1. That's the man who sat on my hat in the tram. 2. Deeds not words. 3. We're striving for enduring peace and security. 4. Don't trouble trouble till trouble troubles you.

### Ўтилганлар юзасидан савол ва топшириқлар.

1. Тил нима ва қандай бўлимларга бўлинади?
2. Тилнинг фонетика бўлими нималарни ўрганеди ва ўз олдига қандай вазифаларни кўяди?
3. Ҳарф ва товуш ўртасидаги фаркни кўрсатинг.
4. Фонема ва унинг вариант (аллофон)лари терминини мисоллар билан изоҳланг.
5. Нутқ товушлари ва уларнинг гуруҳларини таърифланг.
6. Унли товушлар талаффузини изоҳланг.
7. Ундош товушлар ва уларнинг ҳосил бўлишини изоҳланг.
8. Сонант нима? Сонантнинг унли ва ундош товушдан фарқини кўрсатинг.
9. Бўғинга бўлиш қондасини мисоллар билан тушунтиринг.
10. Бўғин турларини мисоллар билан изоҳланг.
11. Ургу, унинг сўздаги вазифасини мисоллар билан тушунтиринг.
12. Икки ва ундан ортик бўғинли сўзларнинг ўқилишини мисоллар билан изоҳланг.
13. Аспирация нима? Ўзбек тили учун аспирация хосми? Ҳар иккала тилдан мисоллар келтиринг.
14. Палатализация (юмшатиш) нима? Палатализация қандай ҳолатларда содир бўлиши мумкин.
15. Fortis, lenis терминлари нима англатади.
16. Редукция нима? Редукция турларини изоҳланг.

Инглиз ундош фонемаларининг ўзбек ундош товушлари билан хосил бўлиш ўрнига кўра қиёсий таснифи.

Лаб фонемалари		Тил фонемалари						Бўғиз
лаб-лаб лаб-тиш	тил	милк	тил олди милк альвеол	альвеол	альвеол орқаси	тил ўрта	тил орқа тил орқа чуқур тил орқа	
p, b, m, f, v w	θ, ð		s, z tʃ, dʒ	t, d, n, l, ʃ, ʒ	г	j	k g ŋ	h
п, б, м, в		т, д, н, л	с, з, ч (тш) ж (дж)	ш, л ж	р		к г нг ф к х	х

Инглиз ундош фонемаларининг ўзбек ундош фонемалари билан хосил бўлиш усулига кўра қиёсий таснифи.

Шовқин товушлар	Портловчилар	Инглиз	Ўзбек
		p, b, t, d, k, g	п, б, т, д, к, г, к
	Сирғалувчилар	f, v, θ, ð, s, z, h, ʒ, ʃ	ф, в, ш, с, з, х, х, ф
	Портловчи Сирғалувчилар	tʃ, dʒ	ч (тш), ж (дж), ц (тс)
Сонор товушлар	Сонантлар	m, n, ŋ, l, r, j, m	м, н, нг, л, р, п, в

## 3 - жадвал

Инглиз унли фонемаларининг ўзбек унли фонемалари билан тилнинг ҳолатига кўра қиёсий таснифи

тил олди		аралаш	тил орқа		
	тил олди	орқага йўналган тил олди		олдига йўналган тил олди	тил орқа
инглиз	i, e, æ	I	ə, ə:	ɯ, ɹ	ɯ:, ɔ:, ɑ, ɔ
ўзбек	и, е [э], а				у, ў, о

## 4 - жадвал

Инглиз унли фонемаларининг ўзбек унли фонемалари билан тилнинг кўтарилиш даражасига кўра қиёсий таснифи

Кўтарилиш даражаси	юқори (ёпиқ) унлилар	тор i:, u:	и, у
	ўрта/ ярим очик/ унлилар		
			е (э), ў
қўйи (очик) унлилар	тор ə:		
	кенг æ, ɑ:, ɔ	а, о	

## И К К И Н Ч И Қ И С М

---

Фонетика товушларда намоён бўлувчи фонемаларни ўрганувчи қисм (уни одатда сегментал фонетика деб юритилади) ҳамда бўғин, урғу ва интонацияни ўрганувчи қисмлардан (уни супросегментал, юкори, сегментал, фонетика деб юритилади) иборат бўлади.

Сегментал фонетика товушларнинг ҳосил бўлишини ҳамда талаффузини ўрганади. У ҳар хил тиллардаги товушлар турларини, нутк жараёнида рўй берувчи товуш ўзгаришларини аниқлайди.

Супросегментал фонетика товушлардан юкорирок бўлақлар — бўғин, урғу ва интонация билан шугулланади. У бўғин ва урғунинг табиатини, уларнинг турларини, интонациянинг тур ҳамда вазифаларини ўрганади. Қўлланманинг биринчи қисмида тилдаги энг кичик бирлик ҳисобланмиш фонема ва товушлар ҳақида фикр юритилган бўлса, иккинчи қисмда товушлардан йирикрок бўлақ — бўғин, урғу ҳамда интонация ҳақида гап боради.

### ИНТОНАЦИЯ

Маълумки, фикр фақат гапнинг грамматик тузилиши ёки лексик таркиби билан эмас, балки унинг интонацияси орқали ҳам ифодаланади.

Нутк оҳанги (мелодияси) жумла (фраза) урғуси, нутк суръати (темп) ва овоз сифати (тембри)нинг бирлигини интонация деб айтилади.

Нутк оҳанги овознинг кўтарилиши ёки пасайиши билан ҳосил бўлади.

Жумла урғуси маълум сўз ёки бўғинларнинг қай даражада кучли айтилишига, нутк суръати эса нутк тезлиги ва сўзлар орасидаги паузаларнинг узунлигига боғлиқдир.

Интонациянинг ташкил қилувчилик ва маъно ажратувчилик (фонологик) иккита асосий вазифаси бор.

1. Интонация ташкил қилувчилик вазифасини бажарганда гапларни ҳосил қилади.

Гап бир ёки бир нечта интонацион гуруҳ (синтагма)дан иборат бўлади. Синтагма гапнинг маъно тузилишига кўра гапнинг маълум тугалликни англатувчи бир бўлагидир. Ҳар бир синтагма маълум интонация билан айтилади:

He is never late.

As a matter of fact/he is never late.

Эслатма: Битта вертикал чизик (I) синтагма охиридаги паузани, иккита вертикал чизик (II) эса гап тугаганлигини билдиради.

Интонацион тузилиш бир ёки бир неча турли хил овоз даражасида талаффуз қилинадиган урғули, урғусиз ёки қисман урғули бўғин ёки сўзлардан ташкил топади.

Интонацион тузилиш **бошланғич қисм** (the pre-head), **бош қисм** (the head), **ядро қисм** (the nucleus) ва **охирги** (терминал) оҳангга қирувчи урғусиз ёки қисман урғули бўғин ёки сўзлар (the tail) дан ташкил топади.

**Бошланғич қисм** (the pre-head) бош қисмдан олдин келган бир ёки ундан ортиқ урғусиз ёки қисман урғули бўғинларни ўз ичига олади.

**Бош қисм** (the head) биринчи урғули бўғиндан бошлаб, то охирги урғули бўғингача бўлган қисмидир.

Охирги урғули бўғинга ядро (the nucleus) дейилади. Ядродан кейин келган урғусиз, ёки қисман урғули бўғинлар охирги (терминал) қисми (the tail) ташкил қилади. Масалан: Then don't cry much about it.

Бу гапта then — бошланғич қисм  
don't cry — бош қисм  
much — ядро қисм  
about it — ядродан кейин келган урғусиз қисм.

Ядро қисмда ҳосил бўлган овоз даражасининг ўзгариши ядро оҳангларнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Ҳар бир интонацион тузилишда ядро қисм асосий фикрни ифодалайди. Ядро қисм ва ундан кейин келган урғусиз ёки қисман урғули бўғинлар охирги (терминал) оҳангнинг асосий қисмидир.

2. Маъно ажратувчилик вазифасини бажарганда интонация гап турларини фарқлашга ҳам хизмат қилади. У сўзловчининг ҳис-ҳаяжонини, тингловчига муносабатини билдиради. Масалан:

→ Bring me a 'book. (буйруқ)  
→ Bring me a 'book. (илтимос)

Нутқ оҳанги ва жумла урғуси интонациянинг асосий таркибий қисми қолган қисмлар — суръат, сифат ва ритм иккиламчи таркибий қисмлардир.


## ИНТОНАЦИЯ ЯДРОСИДАГИ ОХАНГ ТУРЛАРИ

Интонацион тузилишнинг охирги урғули бўғини ядро бўлиб, унда ҳосил бўлган овоз даражасининг ўзгаришларига **ядро оҳанги** дейилади.


Ҳозирги замон инглиз тилида асосан саккизта ядро оҳанги бор:

1. **Паст (ёки ўрта) пасаювчи оҳанг** (The Low Fall). Бу оҳангни талаффуз этиш жараёнида овоз ўрта диапазондан энг пастга тушади:

Yes




It is difficult.




Бу оҳанг фикрнинг тугалланганлигини, унинг катъийлигини, жиддийлигини билдириб, дарак, буйрук, ундов, махсус сўрок гапларда қўлланилади:

How are you 'going to 'get home?




2. **Баланд пасаювчи оҳанг (the High Fall).** Бу оҳангни талаффуз қилиш жараёнида овоз баланд даражадан пастга қараб тушади:



Оҳанг самимийликни, кизиқишни, ажабланишни, баъзан нозилик ва қаршиликни билдиради:

1. What did you 'think of the film?

— It was wonderful.



(дўстона, самимий)

2. What's the time, please?


— I don't know.



(кизиқиш)

3. He said he 'knew nothing about it.


— But I told him myself.



(ажабланиш)


4. You can't eat all that.

— Oh, but I can. I'm starving.



(қаршилик)

3. **Кўтарилиб пасаявчи оҳанг** (The Rise-Fall). Бу оҳангни талаффуз қилиш жараёнида овоз ўртадан баландга кўтарилиб, бирданига энг пастга тушади:



Бу оҳанг таъсирчанлик, мамнунлик, кўркинч, баъзан гумон-сираш ва норозиликни билдиради:

1. — Have you heard about Pat?  
— Yes. (қандай даҳшат!)
2. — You can't do that.  
— Can't I. (Шошмай турчи, кўрамиз деган маънода)
3. — Are you sure?


4. **Паст кўтарилиш** (the Low Rise). Бу оҳанг талаффузида овоз энг пастдан ўрта даражагача кўтарилади: Yes.



Оҳанг одатда умумий саволда, илтимосни билдирувчи гапларда, маъно жихатдан тугалланмаган синтагмаларда учрайди:


Did you bring her a present?

Did you bring her a present?



*Эслатма.* Ядро оҳанги бирдан ортик бўгинли сўздан иборат бўлган ҳолда, ургули бўгин энг пастда тўғри чизик билан белгиланиб, ургусиз бўгинлар эса кўтарилишни ҳосил қилади:

Is it difficult?



Бу оҳанг сўзловчини гапни давом эттиришга ундаш, айтилган фикр тўғри-сида қўшимча маълумот олиш, гаптаги бирор сўзни эшитмай қолиб, уни такрорлашни илтимос қилиш учун ҳам ишлатилади:

1. — Have you got some money?  
— I have. (нима учун сўраясан, нима эди, деган маънода)
2. — The meeting is at five.  
— When? (соат нечадалигини такрорлашни сўраяпти)


Ундов гапларда бу оҳанг рағбатлантиришни англатади:

— Well done!

Дўстона, самимий саломлашиш, хайрлашув ҳам шу оҳанг билан талаффуз қилинади: Good morning.

So long.

5. **Баланд ёки ўрта кўтарилиш** (High Rise). Бу оҳанг овозни ўртадан баландга (тор диапазон), ёки энг пастдан энг юқорига (кенг диапазон) кўтариш билан талаффуз қилинади.




Бу оҳанг кўпинча қайта сўраш ёки жавобни ўйлаб туриб, беихтиёр бирор сўзни такрорлашларда ишлатилади:

1. → Tell me the time.  
→ Tell you the time? Ten past six.
2. — Can I borrow some matches?  
— Matches?— Why, certainly.


Кенг диапазонда айtilганда, бу оҳанг таажжубни, айtilган фикрни изоҳлаб, тушунтириб беришни билдиради:

- What? You mean the dog disappeared?
- Has Michael arrived yet?
- You were expecting him?

6. **Пасайиб кўтарилувчи оҳанг** (the Fall Rise). Бу мураккаб оҳанг бўлиб, у тушувчи ва кўтарилувчи икки қисмдан иборат. Аввал овоз ўртадан ёки энг баланддан энг пастга қадар тушиб, ўртагача кўтарилади: Yes



*Эслатма.* Кўп бўғинли сўзларда урғули бўғин тушишни ташкил қилса, урғусиз бўғин кўтарилади:



Асосан бу оҳанг хабар ва илтимосни билдирувчи гапларда учрайди.

Бу оҳанг тингловчидан кўшимча маънони англиштириш талаб қилиб, нимадир айtilмай қолганини, шу кўшимча маънони тингловчининг ўзи тушуниб олиши зарурлигини билдиради. Масалан:

- But Chris Smith is 'rather nice, I think.
- Yes, Chris is.

Бу оҳанг:

а) огоҳлантиришни: You'll fall




- б) узрни: I am sorry  
 в) зидликни: In my opinion he's perfectly right.  
 г) карама-каршиликни: It ~~didn't~~ take you long. It did.  
 е) таънани: — I ↓ went to Nick yesterday.  
               — I → wish you'd told me.  
 ж) таажубни: — It's your turn.  
                   Is it? ифодалайди.

7. **Кўтарилиб-пасайиб кўтарилувчи оҳанг** (the Rise-Fall-Rise). Бу оҳангни талаффуз этганда, овоз энг пастдан ўртага кўтарилиб, пастга қараб тушади ва яна кўтарилади:




Кўтарилиб-пасайиб кўтарилувчи оҳанг, юкорида кўрсатилган пасайиб кўтарилувчи оҳанг қандай вазиятларда ишлатилган бўлса, худди шундай ҳолатларда ишлатилади. Лекин у кучли хис-ҳаяжонни ифодалайди:



8. **Ўрта даража оҳанг** (The Mid Level). Бу оҳангни талаффуз этиш жараёнида овоз ўрта даражада бўлиб, у тушмайди ҳам, кўтарилмайди ҳам.



Бу оҳанг фикр тугамаганлигини, унинг давоми бўлиши мумкинлигини англатиб, одатда оғзаки сўзлашувда эмас, балки шеъриятда, расмий нутқда ишлатилади:



Кўриб чиқилган саккизта ядро оҳангларининг график ифодаси қуйидагичадир:

- Пасаювчи оҳанглар: Паст пасаювчи (The Low Fall) [N]  
 Баланд пасаювчи (The High Fall) [N]  
 Кўтарилиб пасаювчи (The Rise Fall) [N]  
 Кўтарилувчи оҳанглар: Паст кўтарилувчи (The Low Rise) [V]  
 Баланд (ўрта) кўтарилувчи (The High Rise) [V]  
 Пасайиб кўтарилувчи (The Fall-Rise) [V]

Кўтарилиб-пасайиб кўтарилувчи (The Rise Fall Rise) [~]

Ўрта даражадаги оханг (The Mid Level) [>]

### БОШ ҚИСМ


Инглиз тилида гапнинг бош қисми жуда мухтасар бўлиб, у биринчи урғули сўз (бўғин) дан то охириги урғули бўғингача (ядро охангигача) бўлган қисмини ўз ичига олади.

Бош қисм асосан уч гурппага бўлинади: **пасаювчи** (descending), **кўтарилувчи** (ascending), **даража** (Level).

### ПАСАЮВЧИ БОШ ҚИСМЛАР (DESCENDING HEADS)

Пасаювчи бош қисмларда овоз одатда ўртадан ёки баланддан пастга қараб тушади, урғули бўғинлар (орасида урғусиз бўғинлар) тушишни ташкил қилади. Биринчи урғули бўғин энг юқорида бўлиб, кейинги урғули бўғинлар аста-секин пасайиб боради.


Урғули бўғинлар борган сари пасайиб боради. Бундай ҳолда бош қисмни биз аста-секин пасаювчи (the Stepping Head) деймиз. Аста-секин пасаювчи бош қисмларда урғусиз ёки қисман урғули бўғинлар ўзларидан олдин келган урғули бўғиннинг охангига қўшилиб талаффуз қилинади: ↘ Peter 'goes to the 'cinema on ↘Sundays.



*Эслатма.* Биринчи урғули бўғинга қўйилган (↘) оханг белгиси овознинг умумий йўналишини кўрсатади. Бошқа урғули бўғинларга (') белгиси қўйилади.

Тушувчи бош қисм ҳам аста-секин пасаювчи бош қисмга ўхшаб, тушишни ташкил қилади, фақат урғусиз ёки қисман урғули бўғинлар ўзидан олдин келган урғули бўғиннинг ёнида қўйилмасдан, улар ҳам тушишини (the falling head) давом эттиради:

↘ Peter 'goes to the 'cinema on ↘Sundays.




Урғусиз ёки қисман урғули бўғинлар кўтарилишни ташкил қилади. Улар урғули бўғинларга нисбатан баландроқ талаффуз қилинади. Бундай ҳолатда биз бош қисмни пасайиб кўтарилувчи (the Scandent Head) деймиз: ↘ What a 'lovely day!




Овоз урғули бўғин давомида аста-секин пасайиб боради. Урғусиз ёки қисман урғули бўғинлар бу пасайишни давом эттиради. Бундай бош қисмга сирғалувчи (Sliding Head) деймиз:

- →Did you 'say it was 'blue?
- I 'didn't say it was 'blue.



Пасаювчи бош қисмдан иборат узун гап ичида тўсатдан кўтарилиш ҳолати (Accidental or Special Rise) учраши мумкин. Бундай ҳолатда маъно жихатдан зарур бўлган урғули сўзни ўзидан олдин келган сўзга нисбатан баландроқ талаффуз қиламиз: ↘Send the 'things as↑soon as you can.



Тўсатдан кўтарилиш сўзнинг олдида баландга қаратилган стрелка (↑) билан белгиланади. Тонограммада тўсатдан кўтарилган сўз ёки бўғин ўзидан олдин келган урғули сўзга нисбатан баланд, лекин биринчи урғули сўздан пастда белгиланади.


Шундай қилиб, пасаювчи бош қисмлар қуйидагилардир: а) аста-секин пасаювчи (the Stepping head ёки Descending Head); б) тушувчи (The Falling Head); в) пасайиб кўтарилувчи (The Scandent Head); г) сирғалувчи (The Sliding Head).

*Эслатма.* Текстда пасаювчи бош қисм биринчи сўз олдида (↘) белгиси билан белгиланади, колган урғули бўғинлар олдида (') белгиси қўйилади.

#### КЎТАРИЛУВЧИ БОШ ҚИСМЛАР (ASCENDING HEADS)


Кўтарилувчи бош қисмларда биринчи урғули бўғин энг пастда тўғри чизик билан белгиланиб, кейинги келган урғули бўғинлар аста-секин кўтарилади (The Rising Head), урғусиз ёки қисман урғули бўғинлар кўтарилишни давом эттиради:

- Where is my 'book?
- I 'can't 'find it 'anywhere.



Агар овоз сирғалиб кўтарилса, бош қисм сирғалиб кўтарилувчи (the Climbing Head) дейилади. Бу ҳолда урғусиз ёки қисман урғули бўғинлар ҳам сирғалиб кўтарилади:

- I ar'rieved↘this morning.
- Did↑someone↑meet you at the 'station?



Шундай қилиб, кўтарилувчи бош қисмлар қуйидагилардир:

а) аста-секин кўтарилувчи (the Rising Head).

б) сирғалиб кўтарилувчи (the Climbing Head).

Кўтарилувчи бош қисмлар кўпинча баланд (ўрта) пасайиш (High Fall) ёки баланд (ўрта) кўтарилиш оҳанглари билан биргалликда келади.


Кўтарилувчи бош қисмда биринчи урғули бўғин олдида (↑) белгиси қўйилади, қолган урғули бўғинлар олдида одатдагидек (') белгиси қўйилади.

### БОШ ҚИСМЛАР ДАРАЖАСИ (LEVEL HEADS)

Бош қисмлар даражасида бўғинлар деярлик бир оҳангда талаффуз қилинади.


Агар бўғинлар баланд даражада талаффуз қилинса, бундай бош қисмни биз баланд даража бош қисми (the High Level Head) деб атаيمиз:

- I ↗walked there  
→Why 'didn't you go by 'bus?



Бундай бош қисмларда биринчи урғули бўғин олдида (→) белгиси қўйилади, қолган урғули бўғинлар олдида (') белгиси қўйилади. Урғули ва урғусиз бўғинлар ўрта даражада талаффуз қилинса, бундай бош қисмга ўрта даража бош қисми (Medium Level) дейилади:


- I 'thought they 'all knew.  
→John says|he knew→nothing a'bout it.



Ўрта даража бош қисмининг биринчи урғули сўзи олдида (→) белгиси қўйилади.

Паст даражада талаффуз қилинган урғули ва урғусиз бўғинлар паст даража бош қисмининг (The Low Level Head) ташкил қилади:

- You ↘simply must go.  
— I→don't 'see why I ↘should.



Бош қисмининг паст даражаси биринчи урғули бўғиннинг пастиди (→) белгиси билан кўрсатилади.

Бош қисмининг паст даражаси одатда паст кўтарилиш (Low

Rise) ва паст пасаювчи (Low Fall) оҳанглар билан биргаликда келади:

- What would you like for lunch?
- I→can't make up my 'mind what to have.
- But→what will 'Peter say?
- Do you→think I 'care what he says?

Шундай қилиб, бош қисмларнинг даражалари (the Level Heads) куйидагилардир:

1. Баланд даражадаги бош қисм (The High Level Head).
2. Ўрта даражадаги бош қисм (The Medium Level Head).
3. Паст даражадаги бош қисм (The Low Level Head).

Текстда учрайдиган оҳанг ва урғу белгилари:

[→] — баланд даражадаги бош қисмнинг биринчи урғули сўзи.

[→] — ўрта даражадаги бош қисмнинг биринчи урғули сўзи.

[→] — паст даражадаги бош қисмнинг биринчи урғули сўзи.


### БОШЛАНҒИЧ ҚИСМ (THE PRE-HEAD)

Бош қисмдан олдин келган урғусиз ёки қисман урғули бўғинларга бошланғич қисм (the pre-head) дейилади. Қиска синтагмадан иборат гапларда бош қисм бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолда бошланғич қисмни ядро оҳангининг олд қисми (pre-nucleus) деса ҳам бўлади.

Бошланғич ёки ядро оҳангининг олд қисми паст бошланғич (the Low pre-head) ва баланд бошланғич қисм (the High pre-head) ларга ажратилади.

Урғусиз ёки қисман урғули бўғинлар бош қисмнинг биринчи урғули бўғинидан пастда талаффуз қилинганда, бошланғич паст қисм (the Low pre-head) деб аталади:

It is a very satisfactory answer.




Бу гапта It is a ... деган сўзлар бошланғич паст оҳанг ҳисобланади.

Агар урғусиз ёки қисман урғули бўғинлар бош қисмдаги биринчи урғули бўғиндан баландроқ ёки у билан тенг талаффуз қилинса, бошланғич баланд қисм (the High pre-head) дейилади:

— It's im`possible

— What a `shame.



Баланд бошланғич қисм одатда пасаювчи баланд ва ўрта бош қисмлар олдида келиши мумкин.

Текстда учрайдиган оҳанг ва урғу белгилари қуйидагилар:

[ˌ] — қисман урғули бўғиндан олдин қўйилади;

[ˑ] — урғусиз ёки қисман урғули баланд бошланғич қисм.

### ИНТОНАЦИЯ НАМУНАЛАРИ ВА ГАП-ТУРЛАРИ

Қуйида битта гап тури (хабар-дарак, махсус сўрок, умумий сўрок, буйрук (буйрук ҳамда илтимосни англаган) ва ундов гапнинг интонацияси устида тўхталиб ўтамиз.

Шу нарсани эсда сақлаш керакки, ҳеч бир гап доимо маълум бир алоҳида интонация билан қўлланилмайди. Ҳар бир гап у ёки бу интонация намунаси билан боғлиқ бўлади. Маълум интонация намунаси у ифодаловчи фикр, контекст ҳамда нутқ усулига боғлиқ бўлади.

Шундай гап турлари мавжудки, улар учун маълум бир интонация тури намунаси кўпроқ қўлланилади. Шу маънода «умумий интонация» маълум гап турига нисбатан қўлланилиши мумкин.

### ДАРАК ГАПЛАР

Дарак гаплар, одатда, паст пасаювчи оҳанг (Low Fall-LF) билан талаффуз этилиб, тушувчи бош қисм (Falling Head) ёки баланд даражадан тушувчи (High (Medium) Level Head-HLH) бош қисм билан кенг қўлланилади. Бу гапларда фикрнинг тугал ва аниқлиги ифодаланеди:

It's sunday. its sʌndɪ||

Heˑwʌnts tə biˑðeəɪn taɪm|| (HF+LF)


hiˑwʌnts tə biˑðeəɪn taɪm||

It wəzˑnɒt soˑleɪt (HLH)

ɪt wəzˑnɒt soˑleɪt||

Агар хабар-дарак гапда тинчлантириш ёки руҳ кўтариш маъноси кўзда тутилса, сўнги урғули бўғинда паст кўтарилиш (Low Rise) қўлланилади. Бош қисм эса ўрта даражада (Mid-Level) бўлади. Бош қисм тушувчи ёки баланд даражадан (High Level Heads) тушувчи бош қисм сифатида келиши мумкин:

It'sˑveryˑnice. itsˑveriˑnaɪs||



Дарак гапларда паст кўтарилиувчи оҳанг қўлланилиши мумкин. Бунда гапнинг сўз тартиби ўзгармай, балки интонацияси ўзгаради:


He ˑwanted it? hiˑwʌntɪd ɪt||



Дарак гапнинг бош қисми пасаяувчи оҳанг билан берилиши мумкин:


I → thought you won't come 'here.

aɪ → θɔ:t ju·wəʊnt klɪm 'hɪə||




Агар дарак гапда айтилган фикрга тузатиш киритилса ёки айтилган фикрга қарама-қарши фикр ифодаланса, эслатиш аниқланилади, бош қисмда баланд кўтарилувчи оҳанг (Falling Head of the High (Medium) Level Head) қўлланилади.


1. He had got three tickets 1. He had got 'four tickets  
hi· həd ˈɡɒt θriː ˈtɪkɪts



2. Fred will buy that suit 2. He won't  
hi· wəʊnt ||



3. She is going to be there at 4 3. She'll be late  
ʃi·l bi· ˈleɪt




### Махсус савол интонацияси

Махсус саволда паст пасаяувчи оҳанг кенг қўлланилиб, тушувчи бош қисм бу оҳангдан олдин келиши мумкин. Бу ҳолларда махсус сўрок гап интонацияси жиддий, талабчан, расмийлик маъносини ифода қилади.

Why haven't you done your homework?

waɪ ˈhævnt ju· dʌn jə· ˌhəʊmwɜ:k||



What had happened to you?

ˌwɒt həd ˌhæpnd tə ju·||




Агар сўзловчи сўрок гапда айтилаётган фикрга, предмет ёхуд шахснинг ўзига нисбатан кизиқиш билдирса, махсус сўрок гап паст кўтарилувчи оҳанг билан талаффуз этилади. Бунда интонация дўстоналик ҳамда хайрихоҳлик маъносини англатади:


Where does your'sister ˌwork? (FH)

→What is your o'pinion on this ˌbook? (HLH)

wɛə dɪz jɔːsɪstə ˌwɜːk||



→wɒt ɪz jɔːr ə'pɪnjən ɒn ðɪs ˌbʊk||



**Қайта сўраш.** Махсус сўрок гапларнинг нозмфатик қўлланилишида паст кўтарилувчи оҳанг (Low Rise) сўрок сўзда қайта сўрашни кўрсатиш учун қўлланилади. Бундай оҳанг инглиз тилида жуда кўп ишлатилади.


Контекст

Жавоб

I read a new book by Dickens.

→What did you ˌread?

→wɒt dɪd ju ˌriːd||



They spent a lot of money to buy it.

ˌHow much?

ˌhaʊ mʌtʃ||




**Умумий сўрок гапнинг интонацияси**

Умумий сўрок гапларда одатда паст кўтарилиш оҳанги кўп қўлланилади. Бундай умумий сўрок гапларда баён этилган фикрга чуқур кизиқиш маъноси сезилиб туради:


↘Did you en'joy the ˌfilm?

↘dɪd ju ɪn'dʒɔɪ ðə ˌfɪlm||






↘ Are you 'satisfied with his 'answer?  
 ↘ a: ju · 'sætɪsaɪd wɪð hɪz ˌɑ:nsə||



Агар умумий сўрок гап паст пасаювчи (Low Fall) оҳанг билан талаффуз этилса, жиддий таклиф маъносини англатади:

↘ Don't you 'think it is a 'mistake?  
 ↘ daunt ju · 'θɪŋk ɪt ɪz ə ˌmɪsteɪk||



Қиска умумий сўрок гапларда жавоб тарикасида ишлатиладиган Did you?. Has she? шаклларида паст пасаювчи оҳанг қўлланилади:

One must obey the law. Must he?  
 ˌmʌst hi · //



He didn't want to go there. Didnt he?  
 ˌdɪdn̩t hi · //




## Буйрук гаплар интонацияси


### А. Буйрук гаплар

Пасаювчи оҳанг билан қўлланиладиган буйрук гаплар жуда кучли, жиддий жаранглайди. Бундай гапда бош ва бошланғич қисм (Head and Pre-head) бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин:

↘ Come to have some tea 'with us.  
 kʌm tə hæv səm ti: wɪð ˌʌs||




↘ Don't go there a|one.  
 ↘ daunt ɡəʊ ðeə ɜ: ˌaʊn||




